Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 8-noyabr, shanba | № 90 (7595)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари, аввало, матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри суст шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканалини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги «Спорт» телеканалини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

(Давоми 2-бетда)

НУРЛИ ЙЎЛГА БОШЛОВЧИ УСТОЗ

Боланинг мурғак қалбига эзгулик уруғини қадайдиган, илмга ташналик, ота-она, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган инсон бу ўқитувчи-мураббийдир. Мактаб остонасига илк қадам ташлаётган болакай, биринчи ўқитувчисидан руҳий қувват ва маънавий озуқа олади.

Ўқитувчи зоти борки, доимо ўз шогирдларининг эртанги тақдири ҳақида қайғуради, уларни ҳамиша нурли йўлга бошлайди.

Касби туманидаги Усмон Юсупов номидаги 2-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Бобохўжа Бобоев мана бир неча йиллардан бери мактабга биринчи бор келган ҳар бир болани ўз фарзандидек кўриб, уларни келажакда "менинг шогирдим" дея фахрланиш учун тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда. У киши Ватан тараққиёти, фарзандлар камоли учун масъул эканлигини ҳис этиб, ушбу касбни танлаб ҳеч ҳам адашмаганлигини ғурур билан эътироф этади. Чунки истеъдодли мураббий Б.Бобоевнинг шогирдлари нафақат туман, вилоят миқёсида, балки республикамизда турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўз касбини ҳалол, виждонан адо этаётган инсонлар доимо эл ардоғида. Бобохўжа Бобоевнинг ҳам машаққатли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан эътиборга олиниб, муносиб тақдирланган. 2002 йилда муаллимга давлатимизнинг юксак мукофоти— "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони берилди.

Суратда: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Б.Бобоев шогирдлар камоли йўлида доимо изланишда.

МАШҲУР СЕЛЕКЦИОНЕРНИНГ ҲИММАТИ

Maktabga yordam — millatga yordam

Илм-маърифатли, эртанги кунимизни ўйлайдиган кишиларнинг ёш авлод камолоти, таълим-тарбия ишига хайрихоҳ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг нақадар асосли ва ҳаётий эканлиги яқинда яна бир карра ўз исботини топди. Гап шундаки, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-текшириш институти Бухоро филиали ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлими мудири, "Бухоро пахтачилиги" масъулияти чекланган жамият раиси Аухат Батталов катта туҳфа билан Ф.Хўжаев туманидаги 25-ўрта мактабга ташриф буюрди. Ҳаётини ғўза селекцияси ишига бағишлаётган ҳассос, тинибтинчимас ва ҳақиқатгўй бу инсонни кўпчилик яхши билади. У серҳосиллиги, тола сифати ва бошқа жиҳатлари билан мамлакатимизда кенг тан олинган ва айни пайтда кўпгина вилоятларда экилиб, яхши самаралар бераётган "Бухоро-6" ғўза навининг муаллифидир.

— Аухат Батталов билим масканимиз кутубхонасига 250 минг сўмлик бадиий адабиётлар ҳамда услубий қўлланмалар туҳфа қилди, — дейди мактаб директори М.Бобоев. — Улар орасида болаларбоп бадиий асарлардан ташқари, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 4 томи, "Ёрдамчи тестлар" қўлланмаси, "Бобурнома", миллий истиқлол ғояларини тарғиб этувчи китоблар бор. Бу китобларнинг олтмиш фоизи лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидадир.

Ҳассос олимнинг саховати фақат шундан иборат бўлмаганлиги алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовор. Унинг шу куни "Пентиум-II" русумли 4 та компьютерни ҳам мактаб жамоасига топширганлиги, шубҳасиз, бу даргоҳда таҳсил олаётган ўғил-қизлар учун замонавий электрон техника билан амалий ишлаш ва яқиндан "тиллашиш" имкониятларини янада кенгайтиради.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратда: мактаб директори М.Бобоев ва кутубхона мудираси З.Муродова таниқли селекционер А.Батталов (ўнгда, биринчи)дан китобларни қабул қилиб олишмоқда.

Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат

Hozirgi paytda umumta'lim maktablari darsliklarida ayrim chalkashliklar, g'alizliklar mavjud. O'zbek tili va adabiyoti darsliklari ham bunday qusurlardan xoli emas.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Surxondaryo viloyati paxtakorlariga va barcha mehnatkashlariga 345 ming tonnalik yuksak paxta xirmoni bunyod etib, yillik shartnoma rejasini mamlakatimizda birinchi bo'lib bajargani bilan tabriklab, yig'im-terimdagi muvaffaqiyat bilan muborakbod etdi.

OQSAROYDA QABUL

6-noyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Osiyo Taraqqiyot Banki (OTB)Prezidenti Tadao Chinoni qabul qildi. Uchrashuvda o'zaro munosabatlarni yanada rivojlantirishga oid masalalar atroflicha muhokama qilindi.

OLIY MAJLIS QARORI

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashi Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n uchinchi sessiyasini chaqirish to'g'risida qaror qabul qildi. Unga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n uchinchi sessiyasi 2003-yil 11-dekabr kuni Toshkent shahrida chaqiriladi.

YEVROPALIKLAR TASHRIFI

Yevropa davlatlarining O'zbekistondagi elchixonalari vakillari Orolbo'yidagi ekologik vaziyatni barqarorlashtirish, qishloq xo'jaligini takomillashtirish va aholi turmush tarzini yaxshilash borasida olib borilayotgan ishlar bilan tanishish maqsadida Qoraqalpog'istonga keldi.

SHARTNOMA BAJARILDI

Andijon viloyati izboskan tumani paxtakorlari paxta tayyorlash shartnoma rejasini bajardi. Qabul punktlariga 28635 tonnadan ortiq oq oltin topshirildi. Har gektar maydondan o'rtacha 32.5 sentnerdan hosil olindi.

"NAVOTEL" ISH BOSHLADI

Janubiy Koreyaning "DEU Yunitel" kompaniyasi Qizilqum sanoatchilari va chorvadorlariga ham xizmat ko'rsatishni boshladi. Navoiy shahridan so'ng Zarafshonda kompaniyaning uyali telefon aloqa xizmati ishga tushdi. Eng muhimi, uyali telefon aloqasiga ulanish bepul. "Navotel" sho'ba korxonasi bir yil ilgari ish boshlagan bo'lsada, ikki mingdan ziyod abonent ishonchini qozonishga muvaffaq bo'ldi.

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. «Ўзтелерадио» компаниясига:

«Спорт» телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга;

Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун муддатли шартномалар тузиш ҳамда келишилган баҳоларда тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. «Спорт» телеканалининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакилларининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машҳур спортчилар тўғрисида кўрсатувлар, теле-радиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш;

халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита кўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1- мукофот – энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2- мукофот – энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3- мукофот – энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги Низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь — «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетида истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003 — 2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида «Спорт журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» компанияси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадиий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Ma'rifat" gazetasi kunlari

ДЎСТ, УСТОЗ, ҲАМКОР

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ўктамжон Охунов вилоятда ўтказиладиган "Маърифат" газетаси кунлари тадбирини очар экан, юқоридаги сўзларни "Маърифат" газетасига нисбатан қўллади. Ҳақиқатан ҳам "Маърифат" андижонлик халқ таълими ходимларининг чин маънодаги дўсти, устози ва ҳамкоридир.

Анъанавий "Маърифат" кунлари бу гал муҳташам вилоят ўқувчилар саройида, 400 дан зиёд муаллиму мураббий, тарбиячи ва устозлар иштирокида жуда жонли, самимий руҳда ўтди.

Газета масъул котиби Фахриддин Каримов таҳририят жамоасининг 2004 йилдаги ижодий режаси хусусида қисқача тўхталди. Шундан сўнг тадбир иштирокчиларига "Маърифат" газетасининг айни дамдаги фаолияти ҳамда келгусидаги фаолиятига доир фикр ва мулоҳазалар, таклифлар билдиришлари учун махсус сўровномалар тарқатилди.

— Газетанинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз, — дейди учрашувда сўз олган вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Қўлдошев. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, "Маърифат" газетаси саҳифаларида чоп этилаётган "Бир соатлик дарс" рукни остидаги мақолалар ишимизда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга ривожланган мамлакатлардаги таълим тизими ҳақидаги мақола ва янгиликлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Газета ижодий жамоасига куч-қувват тилаган ҳолда шундай таклифни билдирган бўлар эдим. Ҳозирги пайтда умумтаълим мактаблари дарсликларида айрим чалкашликлар, ғализликлар мавжуд. Ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари ҳам бундай қусурлардан холи эмас. Бу борада газета саҳифаларида дарсликлар муаллифларининг мақолаларини ўқишни истар эдик.

— Муаллим ва мураббийларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантиришлар ҳақида ҳам ёзсангизлар, — дея ўз фикрларини билдирди Андижон шаҳридаги 1-гимназия мактаби муаллимаси Адолатхон Аҳрақулова. — Билишимча, сармоядан ташқари маблағ топиб, ўз жамоалари оғирини енгил қилаётган мактаб ва бошқа таълим муассасалари кўп. Уларнинг тажрибалари, маблағ топиш йўлидаги изланишлари ҳақида кенгроқ ёритиб борилса. Зора, кўплаб мактаб раҳбарлари бундан хулоса чиқарсалар.

Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти чет тиллар кафедраси мудири Маъруфжон Низомиддинов янги педагогик технологиялар ҳамда самарали дарс ўтиш ҳақидаги мақолаларни газета саҳифаларида кўплаб берилаётганини қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар ва мутахассис маслаҳатлари ҳам кўпроқ берилса, айни муддао бўлишини таъкидлаб ўтди.

Учрашув иштирокчиларининг кўплари ўзларининг севимли "Маърифат" газеталарини келгусида қай даражада кўриш истакларини баён қилдилар. Тадбир давомида иштирокчиларга тарқатилган махсус сўровномаларда газетанинг кейинги фаолиятига доир жўяли ва долзарб таклиф ва мулоҳазалар билдирган бир гуруҳ муаллимлар — Хўжаобод туманидаги 10-мактаб муаллимаси Холида Худойбердиева, Шаҳрихон туманидаги 40-мактаб муаллимаси Барчиной Исоқова, Асака туманидаги 36-мактаб муаллими Ноибжон Бегалиев, Асака туманидаги 46-мактаб муаллими Муқаддам Турғунова ва бошқаларга "Маърифат"нинг махсус совғалари топширилди.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бола боғчага бора бошлагандан кейин, албатта, уйида янги сўзлар, жумлалар ишлата бошлайди. Бу жараён унинг зеҳни ва хотираси билан боғлиқдир. Чунки бола эшитган нарсасини кун давомида ёдда сақлаб, кейин уйида такрорлайди. Шу хусусияти учун кўпинча болалар "зеҳни ўткир экан", "хотираси мустаҳкам экан" каби мақтовлар олади. Қамаши туманидаги "Бойчечак" болалар боғчасида тарбиячилар — Муқаддас Тошбоева ва Дилфуза Юсуповалар болаларнинг зеҳнини ўткирлаш, хотирасини мустаҳкамлаш ва нутқини ўстириш учун турли машғулотлардан фойдаланадилар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Yuqorida keltirilgan she'riy ohangdagi algoritmik ko'rsatma tarzida berilgan satrlar mazmuniga kelsak, unda bir-biriga monand ikki xil xulosaga kelish mumkin:

БИР ШЕЪРНИНГ МАТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ

ундаги яширин қонуниятлар

Шеърий оҳангда ёзилган (эҳтимол, шеър деб атаб бўлмас) ва чизмалар билан уйғунлаштирилган қуйидаги сатрлар Янгийўл туманидаги кўп тармоқли иқтидорли болалар "Халқобод" лицей-интернатининг 11-синф ўқувчиси Олимжон Одилбоев қаламига мансуб бўлиб, унда кўтарилган масала нечоғлик ҳақиқатга яқин бўлса, унинг амалий аҳамияти ҳам шунчалик катта бўлишини эътироф этган ҳолда унинг мазмун ва моҳиятини математик нуқтаи назардан таҳлил этиб кўрамиз.

ТЕНГ ЁНЛИ УЧБУРЧАКДА

Ён томондан ўлчаб ол
баландликка тенг ўлчам,
Давомидан давомин
учдан икки қисмин ҳам.



Шу нуқтадан агарда
ёй чизиғи чизилса,
Асосига тенг бўлар
учбурчакда ким билса.

$$\overset{\frown}{22'} \approx BC$$

$$R \approx h + \frac{2}{3}(BC - h) = \frac{2 \cdot BC + h}{3}$$

Математика фани аниқ дунёвий илм сифатида турли жараёнлар орасидаги боғланишлар манзараси ва моҳиятини очиб берар экан, айни вақтда бу жараёнлар орасидаги тақрибий қонуниятлар меъёрини ҳам ўз тилида белгилаб беради. Унинг тараққиётининг ҳар бир ривожланиш босқичида тақрибий қонуниятлар ўрнини аниқ қонуниятлар эгаллаб бориши ёки айрим тақрибий қонуниятларнинг амалда қўлланилмаслиги оқибатида улар ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмай, математика оламидан четда қолиб кетади.

Лекин ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, тушунчалари, илмий дунёқарашлари, шунингдек, айрим жараёнларнинг аниқлик даражасига қўйиладиган талаблар, уларда йўл қўйиладиган меъёрий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда амалда кўплаб тақрибий қонуниятлардан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган шеърий оҳангдаги алгоритмик кўрсатма тарзида берилган сатрлар мазмунига келсак, унда бир-бирига монанд икки хил хулосага келиш мумкин:

1. Тенг ёнли учбурчак асосининг узунлигига тенг бўлган узунликдаги ёй чизиш учун қуйидаги кетма-кетликдаги ишларни бажариш кифоя:

а) учбурчакнинг ён томонидан (учбурчакнинг ичидан бошлаб) унинг баландлигига тенг кесма ажратиш;

б) ён томонида ортиб қолган кесмани ўзаро тенг бўлган учта бўлакка бўлиш;

в) учбурчакнинг учидан иккинчи бўлак охиригача циркулни очиб, ёй чизиш.

2. Унда келтирилган формулага кўра тенг ёнли учбурчакнинг ҳар икки ёни ва баландлиги ўлчамларининг ўрта арифметик қийматига $\left(\frac{2c+h}{3}\right)=R$ тенг бўлган радиусда учбурчакнинг учидан чизилган ёйнинг узунлиги ҳам шу бурчак асосининг узунлигига тахминан тенг бўлади.

Бу ҳолат тўғри бурчакли учбурчаклар учун ҳам ўринлидир. Бундай ҳолат айни вақтда масалани ҳисоблаб ўтирмай, тўғридан-тўғри циркуль ва чизғич ёрдамида график усулда осонгина ҳал этишга олиб келса-да, унинг аниқлик даражасини билиш мақсадида қуйидаги учта масалани аналитик усулда текшириб чиқамиз.

1-масала. Томонлари 40 см га тенг бўлган учбурчак асосининг узунлигига тенг ёй чизиш учун керакли радиусни аниқланг (бундай учбурчакнинг баландлиги 34,641 см ва барча бурчаклари 60^0 га тенг бўлиши сизга маълум).

Берилган:



$AB = BC = AC = 40$

$h = 34{,}641\ см$

Ечиш:

$$R = \frac{h + 2BC}{3} = \frac{34{,}641 + 2 \cdot 40}{3} = 38{,}21367$$

Текшириш:

$$L = \pi r \frac{\alpha}{180} = 3{,}14 \cdot 38{,}21367 \cdot \frac{60}{180} = 39{,}996$$

Абсолют хатолик: 0,004 см.

2-масала. Томонлари 3, 4, 5 см бўлган тўғри бурчакли учбурчак асосининг узунлигига тенг ёй чизиш учун керакли радиус узунлигини аниқланг (бундай учбурчакда α = 36,86 град. бўлади).

Берилган:

$AB = 5\ см$

$BC = 4\ см$

$AC = 3\ см$



Ечиш:

$$R = \frac{BC + 2AB}{3} = \frac{14}{3} = 4{,}6666\ см$$

Текшириш:

$$L = \pi r \frac{\alpha}{180} = 3{,}14 \cdot 4{,}66 \cdot \frac{36{,}86}{180} = 3{,}007\ см$$

Абсолют хатолик: 0,007 см.

3-масала. Катетлари 20 см.га тенг бўлган тўғри бурчакли учбурчак асосининг узунлигига тенг ёй чизиш учун керакли радиус узунлигини аниқланг (бундай учбурчакнинг икки бурчаги ҳам 45 градусга тенглиги маълум).

Берилган:



$AB = 20\ см$

$AC = 20\ см$

$BC = 28{,}2842$

Ечиш:

$$R = \frac{2 \cdot 28{,}2842 + 20}{3} = 25{,}5228\ см$$

Текшириш:

$$L = \pi r \frac{\alpha}{180} = 3{,}14 \cdot 25{,}52 \cdot \frac{45}{180} = 20{,}035\ см$$

Абсолют хатолик: 0,035 см.

Текширишлар шуни кўрсатадики, бу усулдан халқ амалий санъатида, айрим тақрибий ҳисоблаш ишларида, берилган узунликдаги ёй чизиш ишларида тўлиқ фойдаланиш мумкин. Бундай ишларда унинг аниқлик даражаси 32^0ли бурчак атрофида жуда катта бўлиб, ундан қанчалик четлашса, нисбий хатолик ҳам шунчалик катталашиб боришини назарда тутмоқ зарур.

ТЎРТ ХОНАЛИ МАТЕМАТИК ЖАДВАЛ БЎЛМАСА-ЧИ?

Юқоридаги таҳлил замирида яна бир шундай яширин қонуниятлар ётадики, унинг асосида В.Брадиснинг "Тўрт хонали математик жадваллари" бўлмаган тақдирда ҳам тўғри бурчакли учбурчакнинг исталган ўткир

Sinab ko'ring

бурчагининг радиусларда ифодаланган қийматини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун берилган бурчакда R радиусли ёй узунлигини топиш формуласидаги радиуснинг юқорида келтирилган ифодасини қўйсак ва бу ёйнинг узунлиги учбурчак асосининг узунлигига тенг бўлишини ҳисобга олиб, ундан тегишли учбурчакни топсак, қуйидаги ифодага эга бўламиз.

$$\alpha = 172 \frac{a}{b + 2c}$$

Демак, тўғри бурчакли учбурчакнинг исталган ўткир бурчагининг радиусларда ифодаланган қиймати шу бурчак қаршисидаги катетни шу бурчак ёнидаги катет ва иккиланган гипотенузасининг йиғиндисига нисбатидан тахминан 172 баробар катта бўлади.

Фикримизни юқорида келтирилган учта масаладаги учбурчакларнинг бурчакларини аниқлаш орқали текшириб чиқамиз.

1. Масалада тенг томонли учбурчак берилган. Унинг барча бурчаклари бир-бирига тенг эканлиги ва уларнинг қийматлари 60^0 эканлиги сизга маълум. Тавсия этилаётган усулда бу қиймат:

$$\alpha = 172 \frac{a}{h + 2a} = 172 \frac{40}{34{,}64 + 2 \cdot 40} = 60{,}013\ градус$$

2-масалада Миср учбурчаги бўлиб, унинг бурчакларини ҳисобласак:

$$\alpha = 172 \frac{a}{b + 2c} = 172 \frac{3}{4 + 2 \cdot 5} = 36{,}857\ градус$$

$$\beta = 90^\circ - \alpha = 90 - 36{,}857 = 53{,}143\ градус$$

3-масалада келтирилган учбурчакнинг иккита ўткир бурчаклари бир-бирига тенг ва улар 45^0 дан эканлиги маълум. Тавсия этилаётган усулда

$$\alpha = 172 \frac{20}{20 + 2 \cdot 28{,}29} = 44{,}92\ град.$$

Текшириш намуналаридан кўриниб турибдики, бунда ҳам бурчак катталиги 32^0 дан қанчалик чеклашса, абсолют хатолик ҳам шунчалик ортиб борар экан. Шу сабабли тўғри бурчакли учбурчакларнинг бурчакларини ҳисоблашда дастлаб 45^0 ёки ундан кичик бўлган бурчагини аниқлаш, сўнгра учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндисидан фойдаланиб, катта бурчагини топиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатда энг катта абсолют хатолик $0{,}085^0$ дан ошмайди (2-масалага қаранг).

Бундай усул учбурчакнинг бурчакларини аниқлашда ҳеч қандай жадвал талаб қилмаслиги билан бир қаторда мунтазам кўпбурчакларга чизилган ички ва ташқи айланалар радиуслари орасидаги тақрибий муносабатлар манзарасини ҳам очиб бериши мумкин.

Х.ОДИЛБОЕВ,
Янгийўл туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси,

К.ҚАМБАРОВА,
шу тумандаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, "Йил ўқитувчиси — 2003" танлови вилоят босқичи ғолибаси

Axir farq qiladi oddiy yigitdan
Vatan bayrog'ini o'pgan yigitlar.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ - ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ!

18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунни мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиянома

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбек давлатчилиги тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонда ҳам булар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмаган. Аксинча, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун бўлса керак, аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар жуда эъзозланган. Одамлар давлат тимсоллари учун, ҳатто, ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган.

Бунга тарихимиздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганида миллатимизнинг буюк қаҳрамонларидан Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофаасининг раҳнамоларидан бирига айланади. Тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилади, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлади. Айтишларича, Шайх ўлими олдидан мўғул яловбардоридан мўғуллар байроғини тортиб олиб, ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрат шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик Шайхнинг жонсиз қўлидан байроқларини тортиб ололмаган ва унинг панжаларини кесиб, ўз байроқларини ажратиб олган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорати — мана, қарийб саккиз юз йилдирки, барча авлодларга зўр бир ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи жуда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари — туғ ва ноғора билан мукофотланган. Бу Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли қадрланганлигидан далолат беради.

Шонли тарихимиздан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, бугунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, миллат ғурури бўлган байроғимизга муносабат қандай?

Келажаги буюк давлат барпо этиш ғояси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларида ҳам ўз ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида топталмаган ғурури, кайфияти акс этган.

Давлатимиз байроғидаги янги чиқиб келаётган ярим ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар ҳамда қизил ҳошия чизиқлар халқимиз ғурури ва келажакка бўлган ишончининг мужассам ифодаси ҳисобланади. Мустақилликнинг ўша илк кунлариданоқ байроғимиз халқимизнинг ифтихор тимсолига айланди. Мамлакатимиз миқёсида ўтказила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байроғини тантанали суратда кўтариш, мадҳиямизни куйлаш билан очиладиган бўлди. Халқимизнинг мустақиллик туфайли қаддини тиклаган маънавий ғурури 1992 йилнинг 2 мартида БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираши билан бир неча баробар ўсганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун билан мустаҳкамланган. Бу қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йўриқлари пухта ва аниқ кўрсатиб берилган. Ўша пайтдан бошлаб болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида душанба кунги сабоқлар Давлат байроғининг тантанали суратда кўтарилиши, болаларимизнинг ўнг қўлини кўксига қўйиб мадҳиямизни куйлашидан бошланиши фарзандларимиз қалбида Ватанга, давлатимиз рамзларига нисбатан илиқ муносабатнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Зеро "ватанпарварман" деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Давлат рамзларига бўлган муносабатимизни, энг авваламбор, «Давлат рамзлари тўғрисида»ги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. Хўш, бугун давлат рамзлари тўғрисидаги билимларимиз етарлими?

Бу борада, юқорида таъкидлаганимиздек, болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларидаги аҳвол кўнгилдагидек.

Буларнинг барчаси кишиларнинг сиёсий-маънавий кайфиятига ижобий таъсир этишини ҳеч унутмаслигимиз лозим. Давлат рамзлари худди она-Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган. Рамзлар ва тимсоллар халқнинг тарихи, руҳияти, анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, биз фуқароларимизда ўз миллий тимсолларимизга бўлган тўғри муносабатни шакллантиришда ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Шу мақсадда биз қуйида, 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунни мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларда тантанали тарзда нишонлаш юзасидан ўз тавсияларимизни бермоқдамиз.

1. 2003 йилнинг 18 ноябрь куни эрталаб барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланиши билан йиғилиш ўтказилиб, Давлат байроғи қабул қилинган кун расман нишонланади.

2. Тадбир бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Тадбир бошловчиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Давлат байроғи қабул қилинган куннинг 12 йиллигини нишонлаш мақсадида тўпланганлигини айтади, махсус тайёргарлик кўрган бир нотиққа сўз беради.

4. Нотиқ Давлат байроғи қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуни моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради.

5. Тадбир ўтказилаётган зал ё майдонда, албатта, Давлат байроғи бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевосита байроқ мисолида — кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбирни ўтказишда Республика "Маънавият ва маърифат" марказида тайёрланиб, 2002 йил "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Давлатимиз рамзлари" рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Тадбир "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг 13 - моддасида қайд этилган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт", деган тамойилга амал қилган ҳолда, ўқувчи, талабаларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

Ўқувчи ва талаба ёшларнинг Давлат байроғи тўғрисидаги билимларини бойитадиган савол ва жавоблар:

Савол: Мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзларига нималар киради?

Жавоб: "Мустақил ўзбек давлатининг номи", "Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси", "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили", "Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси", "Мустақил давлат пойтахти", "Мустақил давлат фуқаролиги", "Давлат мукофотлари ва унвонлари", "Миллий валюта", "Умумхалқ байрамлари".

Савол: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қачон қабул қилинган?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган кун 1991 йил 18 ноябрдан давлат суверенитетининг рамзидир.

Савол: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қандай ҳолатларда мамлакат тимсоли бўлиши мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Савол: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатларнинг байроқлари кўтарилса қандай тартибга амал қилиш керак?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатларнинг байроқлари чап томондан кўтарилмоғи керак. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

Савол: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири чизилаётганда қандай талабларга риоя этилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири, катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳамма вақт "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга илова қилинган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

Савол: Қонунда Давлат байроғининг ҳажми қандай белгиланган?

Жавоб: "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида байроқнинг узунлиги 250 сантиметр, кенглиги 125 сантиметр этиб белгиланган. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил – ҳар бир эн 40 сантиметрга тенг. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларида кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Ёдлаш учун тавсия этилаётган шеър.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-модда.

ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЎПГАН ЙИГИТЛАР

Зулфия МЎМИНОВА

Шукр, сиз урушга кетганингиз йўқ,
Шукр, сиз тинчликнинг аскарларисиз.
Дуо қилаётган юртга бир қаранг,
Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз.

Талотўп вокзалнинг бир чеккасида
Сизга қарайвериб ўйлайвердим жим,
Юрт сенга ишонар, алпкелбат укам,
Юрт сенга ишонар, шарткесар иним.

Вокзал кулгу, ҳазил, севинч ёшлари...
Кезар нон ҳидидек азиз хаёллар.
Энди, сиз кетгандан келгунингизча
Тиконлар устида ётмас аёллар.

Энди ғурур билан боқар оталар,
Юрак гулханидан кўздаги ўтлар.
Энди фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.

Нон тишлатар одат, энг қадимий урф
Умид уй тўрида порлаб туради.
Тишлам нон – момолар
сақлаган ирим
Сени уйғоқликка чорлаб туради.

Уйғоқлик, пойингга дон излаб келган,
Митти қушчаларни синглим
деб – сийлаш.
Уйғоқлик ҳар тошнинг ёнида ўсган
ҳар битта гиёҳни укам деб ўйлаш.

Ватан деганингда дилингда отган
Оппоқ саҳарларга саломлар айтгин
Ишонч осмонига учирма бўлган,
Оққушим соғ қайтгин,
саломат қайтгин.
Илоё, соғ қайт!

Келинчак кирмаган йўлинг
соғ қайтсин,
Куёвбелбоғ боғлар белинг
соғ қайтсин.
Беғубор дилингда ҳарбийда ўсган,
Ватан меҳри деган – гулинг
соғ қайтсин.

Илоё, соғ қайтсин қора кўзларда
Ғурур гулханидан чақнаган ўтлар,
Ахир фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази "Ижтимоий – сиёсий, ҳуқуқий тарғибот" бўлими

ЎҚИТУВЧИДАН ЧИҚҚАН АКТЁР

Шокалон раис истиқлол берган имконият—тадбиркорлик туфайли иши юришиб кетган ёш фермерни кўролмайди. Мудом унинг йўлига тўғаноқ бўлишга интилади. Афсусланарлиси шундаки, у барча ҳаракатини зимдан қиларди. Охир-оқибат барибир у ўз-ўзидан чеккага чиқиб кетди...

"Хуршида" видеофильмида ушбу ролни маромига етказиб ўйнаган, узоқ йиллар Санъат институтида талабаларга сабоқ берган актёр Муҳаммаджон Узоқов билан янги "Шарпа" фильми тақдимотидан сўнг учрашдик.

— Муҳаммаджон ака, "Шарпа" фильми тақдимотида бош ролларни ижро этган актёрлар таништирилаётганда, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов ва Сизнинг номингиз тилга олиниб, икки машҳур санъаткорнинг фарзандлари эканлигингиз таъкидланди. Айтинг-чи, санъатимиз дарғалари бўлган Юнус Ражабий ва Маъмуржон Узоқовлар орасида дўстлик ришталари бўлганми?

— Донишмандлар "дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман" деб бежиз айтишмаган. Ўша пайтда ёш бўлган бўлсам-да, бу икки санъаткорнинг дўстлиги нақадар самимий бўлганлигини ҳис қилаяпман ҳозир. Эсимда бор, уйимизда ҳар ҳафтада кам деганда уч-тўрт нафар қўшиқчими, актёрми, шоир ёки ёзувчими тўпланиб туришарди. Бу даврада эса янги ижод намуналари тингланарди, муҳокама қилинарди, таклифлар ўртоқлашиларди.

Отамиз билан Юнус Ражабий орасида жуда яқин дўстлик бор эдики, ҳеч бирининг уйидаги йиғин ёки маърака бир-бирисиз ўтмасди. Ижод тўғрисида ҳам бир-биридан доимий маслаҳат сўраб туришарди.

— Сиз янги фильмда Обид Юнусов талқин этган қаҳрамоннинг содиқ дўсти ролини ижро этдингиз. Бу жараён турмушларингизда ҳам мавжудми?

— Обид Юнусовни ёшлигимдан ҳурмат қилардим, ижодига ҳавасим юксак эди. "Шарпа" фильмини суратга олишда режиссёр "Қосимали муаллим ролини сиз ўйнайсиз", деди. "Хўп, Сафаралини ким ўйнайди", десам, "Обид Юнусов" деди. "Йўқ, Обид ака ўйнаса, мен ўйнамайман, ўйнолмайман" дедим. "Нега", деди у киши ажабланиб. "Қосимали Сафаралининг яқин биродари. Кўчадаям, чойхонадаям доим бирга бўлиши керак. Мени у кишининг салобати босади", дедим. Хуллас, режиссёр кўймагандан сўнг, унда бўлмаса Обид ака билан учраштиринг, дедим. Уйига бордик, у киши кўнглим тўқ бўлишини айтиб, дуо қилди. Шу-шу, кино съёмка қилингунича ҳам, суратга олингандан кейин ҳам бир-биримизга анча яқин, ака-укадай бўлиб қолдик.

— Таъкидлаб ўтилганидай, Сиз машҳур санъаткор Маъмуржон Узоқовнинг фарзандисиз. Шу ўринда отангизнинг ўзбек қўшиқчилик санъатига қўшган беқиёс ҳиссасини эътироф этган ҳолда, Сиздан у кишининг оила тарбияси тўғрисида сўрамоқчиман. Бугунги оила бошлиқларида йигирма, ўттиз, борингки, қирқ йиллар олдинги оила бошлиқларида бўлган қандай хислат ёки хусусиятларни кўриш ёхуд кўрмаслик мумкин.

— Фарзанд тарбияси — нозик масала. Ҳамма оилани бир хил деб бўлмайди ҳеч қачон. Илгари яхши бўлган, ҳозир ёмон ёки аксинча, дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Бу тўғрида аниқ фикрга бориш қийину, лекин бир жиҳатга аҳамият бериш лозим: илгари оилаларда фарзанд тарбиясига ота ҳам, она ҳам, қолаверса, оиладаги катта фарзанд ҳам жавобгарликни ўта масъулият билан ҳис этишган. Оила тарбиясини турмушдаги энг асосий масала сифатида кўришган. Ҳозир эса бу жараён бирозгина сустлашгандай бўлиб қолди. "Шарпа"да бир киши келиб, Қосимали муаллимдан сўрайди: эй, устоз, мана сиз бир умр тарихдан дарс бердингиз. Нима учун айрим ёшлар йўлидан адашиб кетаяпти. Бунга сабаб нима? Бу саволга қаҳрамоннинг шундай сўзлари бор: миллий урф-одатлар бир қадар унутилиб, айрим ота-оналар тирикчилик дея кўчага чиқиб кетгани боис уларнинг оиладаги тарбияси бироз сусайди.

Ўткинчи иқтисодий қийинчилик туфайли бундай ота-оналар фарзандлари келажагини бой бериб қўйишаяпти. Буни ҳеч қайси ота-она унутмаслигини истардим.

Отамиз гастролларда юрганида, ўн беш-йигирма кунлаб олти фарзанд — тўрт қиз, икки ўғил онамиз қўлида қолардик. Онам мактабда ота-оналар мажлиси бўлмаса ҳам ҳар ҳафта бориб, фарзандларимнинг ўқиши қанақа, дея хабар олиб турарди. Мактабдан келганимизда, кундалик дафтарларимизни мунтазам равишда текширарди. Отамиз эса ҳар бир фарзандини сизлаб гапирарди. Жеркиб берган пайтларида ҳам бизни сизлаб уришарди. Шу одатлари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Бундай муомаладан сўнг биз ёмонлик қилишга ҳам, қаттиқ гапиришга ҳам, айтганларини қилмасликка ҳам журъат этолмасдик.

— Санъат қадрланган оила муҳитида улғайгансиз. Ўзингиз ҳам санъаткор бўлмаслигингиз мумкин эдими? Болаликнинг орзулари улкан бўлади. Биринчи муаллимингиз хотирангизда қандай муҳрланган? Умуман болалигингиз билан мулоқотни муштарийларга ҳам баҳам кўрсангиз.

— Менимча, бундай муҳитда тарбияланган фарзандларнинг етмиш-саксон фоизи санъатдан чеккага чиқиб кета олмаса керак. Улар бошқа соҳани танласа ҳам санъатга меҳрли бўлади, деб ўйлайман. Лекин кўп санъаткорлар фарзандлари ўзининг изидан боришини кўп ҳам қувватлашавермайди. Мен катта ўғил бўлганим учун отамиз гастролларга кўпинча бирга олиб борарди. У ерларда дўст-биродар, мухлисларига мени таништириб, "ашула айтади, роль ўйнайди" деярди ҳазиллашиб. Шу гаплар миямга ўрнашиб қолган бўлса керакки, ёшлигимдан санъаткор бўлишни ният қилганман.

1953 йилда 1-синфга ўқишга борганман. Ўғил болалар мактабида биринчи муаллимам Саодат опа исмли ўқитувчи эди. Иккинчи синфга ўтганимизда Тошкентдаги ҳозирги эски шаҳарда жойлашган Алишер Навоий номидаги 1-мактабга кўчиришган. Менга дарс берган ўқитувчиларни ҳеч қачон унутолмасам керак. Айниқса, Зиёда опани. Саксон ёшдан ошган бўлса ҳам ҳалигача мени тергаб туради. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган бу устозим яқинда кўнгироқ қилиб, "мен сендан хафаман" деди. "Нега", десам, "сен ўзинг ёмон бола эмассан-ку, лекин, кейинги вақтларда ёмон одамларнинг ролини кўп ўйнаяпсан, бошқа ўйнамагин бунақа ролларни" деб жеркиган бўлди. Мен бундан хафа бўлганим йўқ, албатта.

Шуниси эътиборлики, Зиёда опа дарс ўтганида фақат дарслик билан кифояланиб қолмасди. Мавзуни ўтишдан олдин унга боғлиқ бирор воқеами, ҳикоями, тевараграфга боқибми, мавзуга оид жиҳатларини топиб, сўзлаб берардики, ўқувчилар дарсга қандай кириб кетганини сезмай қолишарди. Натижада ўқувчи уйда дарс қилмай келган бўлса-да, ўқитувчи айтган гапларни такрорлаб ҳам "аъло" баҳо оларди.

— Сиз ижро этган фильмлар талайгина: "Хуршида", "Талваса", "Отамдан қолган далалар", шу кунларда кинотеатрларда намойиш этилаётган "Буюртма муҳаббат", "Шарпа"... Буларнинг аксариятида салбий қаҳрамонлар ролини ижро этгансиз. Ва бу Сизга ярашган ҳам...

— Бир куни телевидениедан чиқиб кетаётсам, бир киши саломлашди-да, "мен сизни ёмон кўриб қолдим", деди. Ҳайрон бўлдим. Чунки уни танимасам, қолаверса, уни қаерда хафа қилган эканман, дея ўйлаб "ўзи қаердансиз", деб сўрадим. Самарқанддан эканлигини айтгач, мен тўрт-беш йил ичида у ерда бўлмаганимни билдирдим. Охири у киши "сиз Шокалон раисмисиз" дегачгина масала ойдинлашиб, кулиб юбордим. Унинг бу содда хитоби актёрга берилган самимий баҳо эди.

Ҳақиқатан ҳам ижодимнинг охирги тўрт-беш йили давомида асосан салбий образларни ўйнашимга тўғри келиб қолди. Ҳатто Россиянинг «Зарбдор куч» («Убойная сила») сериалида ҳам хитой мафиози ролини ўйнаганман. У ҳам салбий образ. Яқинда Афғонистонда бўлиб, афғонлар билан ҳамкорликда "Булутлар" фильмини суратга олдик. Унда ҳам толибонлар қўмондони Мулла Умар ролини ижро этдим. Илгари салбий образларга унча кўп чақиришмасди. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда кетма-кет бундай ролларни ўйнашга таклиф қилишаяпти. Бу роллар халқимизга ҳам маъқул бўлаяпти шекилли, олдин ҳазиллашиб сизни ёмон кўриб қолдик, дейишадию, сўнгра раҳмат айтишади. Лекин, айтиш лозимки, ўша салбий қаҳрамонлар ҳам онасидан ёмон бўлиб туғилмаган. Одамни одам ўзгартирар экан. "Хуршида"даги Шокалон раис ёмон одаммиди? Уни раҳбарлик пайтида дўст бўлган, сўнгра юз ўгирган одамлар ўзгартирмадими?

Шу ўринда айтишим керакки, ижобий роллар яратишни жудаям хоҳлайман. Бу ҳақда ўйлаб юргандим, яқинда "Макрли дунё" номли фильмга таклиф қилишди. Унда кекса бир қишлоқ муаллими ролини ўйнадим. Фильмда оддий қишлоқ ўқитувчисининг тақдири очиб берилади. Яқин орада бу фильм ҳам томошабинларга ҳавола қилинса керак.

— Санъатнинг вазифаси ҳақида жуда кўплаб фикрлар айтилган. Балки Сиз айтадиган фикр буларга ўхшамас...

— Санъатнинг вазифасини маълум чегара билан ўлчаб бўлмайди. Адабиёт инсон руҳиятига, онгига, тафаккурига, тарбиясига қанчалик таъсири кучли бўлса, кино, телевидение, театрнинг аҳамияти ҳам ундан кам эмас.

Театрларда роль ижро этилса, хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий, уни томошабин кўради, қаҳрамоннинг қайсидир хатти-ҳаракатини оқлайди ёки қоралайди. Хуллас, нимадир олади.

— Отангиз машҳур қўшиқчи, Сиз эса актёр...

— Нега қўшиқ айтмагансиз, демоқчисиз-да! Мен аслида ижодимни қўшиқ айтиш билан бошлаганман. "Гулхумор", "Кўзларинг", "Сўйла, сўйла, сенга қурбон бўлайин" деган ашулаларни айтиб чиққанман. Ўша пайтларда Мамажон Раҳмонов деган киши Тошкентдаги опера ва балет театрида директор эди. Ёш қўшиқчиларни театрга жалб қилиш ниятида танлов эълон қилинди ва менга бу танловда қатнашиш учун таклифнома келди. Махсус мусиқа билим юртларини битирмаган бўлсам-да, отамиздан эшитган ашулаларни айтиб юрардим. Сўнгги босқич Алишер Навоий номидаги театрда ўтказилди. Кўплаб таниқли санъаткорлар ўн нафар ғолибликка даъвогар ашулачиларни эшитиб кўрди. Омадми, ишқилиб, консерваторияни битирганлар ҳам ўтолмадию, театрга мен ўтиб қолдим. Театрда менга Ўзбекистон халқ артисти Асад Азимов раҳбарлик қила бошлади. Секин-аста кичик-кичик хартиялардан тортиб (опера театрида шундай дейилади) катта-катта хартияларни ижро эта бошладим. Кейинчалик олий маълумотим йўқ бўлгани учун менга сиртдан бўлса ҳам ўқишни таклиф этишди. Шундай қилиб, Тошкент Санъат институтининг кино актёри ва драма театри бўлимига сиртдан ўқишга кирганман. Мактабни тугатиб, бир йил опера театрида ишлагандан сўнг талаба бўлганман. Ўқишни битиргач, ўша пайтдаги институт раҳбари Тошпўлат Турсунов менга олий ўқув даргоҳида қолиб, талабаларга дарс беришимни таклиф қилди ва мен рози бўлдим. Институтда талабаларга актёрлик маҳоратидан узоқ йиллар дарс бердим. Ҳозир эркин ижодкорман.

— Фарзандларингиз санъаткорлар сулоласини давом эттириш ниятидами ёки...

— Оиламиз ҳам санъаткорлар оиласи, десам хато бўлмайди. Фарзандларимнинг онаси Шоҳида Узоқова Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг етакчи актрисаларидан бири. Қизим Маъмурахон ҳам Санъат институтини битирган (ҳозир фарзандлари тарбияси билан машғул). Кичик ўғлим Алишер ҳам Санъат институти талабаси. У "Остона" фильмида, "Зумраша" ҳажвий киножурналларида, "Мосфильм" суратга олган бир фильмда роль ижро этган.

— Ҳикматли ой — рўзаи рамазонда зиёлиларимизга тилакларингиз бўлса керак, албатта.

— Мусулмон дунёсининг энг қутлуғ ойида юртдошларимга тилагим шу: аввало, оилаларида тинчлик бўлсин. Фаровонлик ҳаётларини ҳеч қачон тарк этмасин.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

Mehmonxona



Mahalla oqsoqolini saylayotganimizda tarbiyachilar, ustoz-murabbiylar bu ishda hammaga o'rnak bo'larli darajada faol ishtirok etishi lozim.

МАҲАЛЛА ИШИ ЯХШИЛИКДИР

Мамлакатимиз парламентида шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги масала кўрилганидан хабардор бўлганимдан сўнг менда шундай фикрлар туғилди.

Жамиятда маҳалланинг ўрни беқиёс. Маҳалла иши — бутун жамоатчилик иши, шундай экан, кўпгина муаммолар ҳам жамоатчилик кучи билан бартараф этилиши мумкин.

Ёшлар тарбияси, аҳолининг фойдали меҳнат билан бандлиги масалалари, жиноятчиликка қарши кураш, оилалар тинч-тотувлиги кабиларда жамоатчилик ўз фикрини билдириши зарур.

Мамлакатимизда жорий йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларда фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юқори даражага кўтариш, ёшларга миллий қадриятларимизни сингдириш, ўсмирларни спортга жалб этиш, вояга етмаган фарзандларимиз билан чуқурроқ, астойдил шуғулланиш, педагог-тарбиячилар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла посбони кабиларнинг ишини янада такомиллаштириш каби долзарб масалалар ҳозирги кунда бизнинг кундалик вазифамизга айланиб қолган.

Маҳалла турли хил воқеалар, қувонч ва ташвишларга бой, мураккаб бир маскан. Маҳалла раҳбарияти, фаоллар, кўчабошилар, маҳалла посбонлари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар.

Ватан ичра кичик бир ватан бўлмиш маҳаллалар азал-азалдан ривожланиб, аҳоли учун хизмат қилиб келган. Мустақиллик йилларида эса ушбу тузилманинг янада янги қирралари, имкониятлари очилиб бормоқда.

Албатта, маҳалладаги тинчлик-хотиржамликнинг сақланиши, кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатининг мустаҳкам бўлиши, ободончилик юмушларининг тўла амалга ошиши, катта-катта ишларга қўл урилишида маҳалла фаоллари, айниқса, маҳалла оқсоқоллари зиммасига катта масъулиятлар юкланган.

Ўзини-ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларда юртимизнинг ҳар бир фуқароси фаол қатнашиши керак, деб ҳисоблайман. Сабаби, маҳалла оқсоқоли бўладиган киши ўша ҳудуднинг энг обрўли, ҳурматли кишиси бўлиши лозим. Чунки халқимизда катта арава қаердан юрса кичиги ҳам ўшанинг ортидан юради, деган нақл бор. Маҳалла оқсоқолини сайлаётганимизда кўнглимизда ўзининг фарзандининг тарбияси ёмон, у бизнинг болаларимизга ўрнак бўла олармикан, оиласида тинчлик йўқ, кейин маҳалла аҳли ундан ибрат олиб бутун маҳаллани жанжалхонага айлантириб юбормасмикан, деган ўй-хаёллар бўлмаслиги керак. Маҳалла оқсоқолини сайлаётганимизда тарбиячилар, устоз-мураббийлар бу ишда ҳаммага ўрнак бўларли даражада фаол иштирок этиши лозим.

Шу пайтгача маҳалла оқсоқолларига ҳозиргидек жавобгарлик ва шарафли вазифалар, юмушлар юкланмаган эди. Шунинг учун ҳам улар ва маҳалланинг бошқа фаоллари ўз бурчларига ва валолатларига сидқидилдан ёндашмоқдалар ва адо этмоқдалар.

Маҳалла аслида қадриятлар Ватани ҳам ҳисобланади. Барча миллий ва диний қадриятларимиз маҳаллаларда мужассамланган. Маҳалла шу ҳудуднинг кўзгусидир. Маҳалланинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бугун маҳаллалар барча муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб олган.

Айниқса, мактаблар, лицейларнинг маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаши ёшлар тарбиясида ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Хонадонларда тўй-томошалар, турли маросимлар, йиғинлар ўтказишда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг бош-қош бўлиши хонадон соҳибларига жуда катта далда ва кўмак бўлади. Маҳалла аҳлининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Кўпгина маҳаллаларда уруш ва меҳнат фахрийларига, афғон уруши қатнашчиларига, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар, маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш учун ўтказиладиган ҳашарлар кишиларда яхши таассурот қолдиради.

Обод маҳалла йилида маҳалла кўркамлиги, юрт фаровонлиги йўлида қатор эзгу-режаларнинг амалга оширилиши маҳаллаларнинг обод ва ораста масканга айланишига, кишиларимизнинг ўз ҳуқуқини билган, бурч ва масъулиятини тушунган, юксак маънавиятли инсонлар қаторидан ўрин олишларига катта таъсир кўрсатади. Турли тадбирлар, маънавият ва маърифатдан сабоқ берувчи учрашувларнинг ўтказилиши ҳам яхши самаралар беради.

"Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловининг низоми, маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти бўйича Низом, "Маҳалла" жамғармаси кабиларнинг фаолияти маҳалланинг нуфузини, иш кўламини яна оширади.

Бундай хайрли ишларнинг олиб борилиши бир томондан маҳалланинг ободлигига хизмат қилса, иккинчи томондан ёшларнинг камолотига ижобий таъсир қилади.

Чунки бу ишларни кўриб вояга етаётган ҳар бир ўсмир жамиятга худди шундай эзгу ҳис-туйғулар билан назар ташлайдиган инсон бўлиб етишади. Эзгулик улашадиган ҳар бир хайрли ишнинг интиҳоси фақат яхшилик бўлади.

Маҳалла иши бутун жамоатчилик ишидир. Шундай экан, кўпгина муаммолар жамоатчилик кучи билан бартараф этилиши керак.

2003-yil — Obod mahalla yili

Шу боис ҳам халқимиз "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" деб бежиз айтмаган.

Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, "аввало шуни айтиш керакки, "обод" деган сўз, "обод маҳалла" деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла тизимининг вазифаси маҳалланинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини аниқ белгилаш, маҳаллада ташкилий-ҳуқуқий масалаларни такомиллаштириш, маҳалла фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, маҳаллада маънавий-маърифий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва миллий анъаналарни кучайтириш, маҳалланинг молиявий-моддий асосларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

"Обод маҳалла йили" дастурида ифода этилган кўпгина масалалар, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, кекса авлодга ғамхўрлик қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш кабиларни бажариш маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрнини янада оширади.

Нозима ИКРОМОВА,
ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси

«КИТОБЛАР КАСАЛХОНАСИ» БОР МАКТАБ

Китобга ошно қалб соҳиби эзгу ишларга ҳамроҳ, ёмон иллатлардан йироқ бўлади. Қаердаки, тарбиясида путури бор одамни учратсангиз, сўраб-суриштиринг, у китоблар оламидан узоқда ўсган бўлиб чиқади.

Миришкор туманининг "Янги Миришкор" қишлоғида жойлашган С.Раҳимов номли 1-мактабда ҳам кутубхона хизмати анча яхши йўлга қўйилган", деган илиқ гап бизни ана шу манзилга етаклади.

Мактаб биносининг 2-қаватидаги зал кутубхона учун ажратиб берилган. Айнан шу соҳа мутахассислари Холбуви Ниёзова ва Жумагул Раҳимовалар мактаб кутубхонасида фаолият кўрсатадилар.

Кутубхонада амалга оширилаётган ишларни ўрганар эканмиз, "Қомусимизни ўрганамиз", "Гиёҳвандлик — аср вабоси" каби мавзуларда олиб борилаётган ишлардан кўнглимиз тўлди.

Мактаб кутубхонаси ўз матбуот бурчаги ва яна ўз деворий нашрларига эга. "Ёш китобхон" ва "Китоблар касалхонаси" ҳажвий деворий нашрлари мунтазам тарзда чиқарилиб келинаётир. Шу ўринда битта яхши гап. "Китоблар касалхонаси" ижодкорлари мактаб ўқувчилари қўлларидаги китобларни вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб турадилар. Китобларни асраб-авайлаш қоидаларини бузганлар "Китоблар касалхонаси" суратли деворий газетаси орқали қаттиқ танқид остига олинадилар. Кутубхона қошида китобларни таъмирловчи махсус гуруҳ ташкил этилган.

Илм масканида 1500 нафардан ошиқроқ ўқувчию кутубхонада 6000 донага яқин бадиий адабиётлар бор.

— Бу бадиий китоблар ўқувчилар сонига нисбатан етарлими ёки камроқми? — сўраймиз мактаб кутубхонаси бош мудираси Холбуви Ниёзовадан.

— 600 нафар доимий китобхонга эгамиз, — дейди кутубхона мудираси. — Мавжуд бадиий адабиётларни етарли ҳам дейлик. Бироқ, бу ерда бошқа муаммо бор. Мавжуд бадиий адабиётларимиздан атиги 150 донаси янги имлодаги китоблар холос... Улар ҳам асосан кичик ёшдаги ўқувчиларимизга мўлжалланган.

Бир нарсани айтиш жоизки, биз китобхон ўқувчиларнинг кутубхонага аъзолик варақаларини кўздан кечирганимизда ўқувчилар кирилл алифбосидаги бадиий китобларни ҳам олиб ўқиётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бироқ, бу кўрсаткич жуда кам.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Fikr

ТЕНГДОШЛАРИМ ЭРКИН ФИКРЛАШИНИ ИСТАЙМАН!

Одам болаликдан ўсмирликка ўтар экан, унинг ўзига хос орзуси ва дунёқараши шаклланиши, табиий. Ушбу фикрлар орқали ҳаётнинг асосий мазмуни ва моҳиятини тушуна бошлайди, агар мазкур қизиқишига ёки орзусига жиддийроқ эътибор берса, албатта. Лекин, барча муаммони фақат эътиборга ағдариш бирмунча адолатсизроқдир. Чунки истакни амалга оширишда, аввало, инсон ўз хоҳлаётганини ахлоқий-маънавий ва мантиқий ҳимоя қила билиши лозим. Бунга эса эътиборнинг биргина ўзи қалқон ёки ҳимоя бўла олмаса керак. Бунга биринчи навбатда эркин фикр, у ҳам бўлса, бир неча бор пухта ва мукаммаллашган бўлиши зарур.

Шундай экан, биз ёшларнинг билим савиясига эркин фикрни ифодалай олиш ва уни ҳимоя қилиш маданияти сингари тушунчалар анчайин мавҳумроқ десам муболаға бўлмаса керак. Масалан, мен ҳар куни тенгқурларим билан муомалада бўлар эканман, айнан фикрни баён этишга эътибор беришга ҳаракат қиламан. Улар ўз фикрларини турли жойларда турлича талқин қиладилар. Жамоат жойида ёки ёши катта кишилар орасида кўпинча қисқа, тушунарсиз гапирадилар. Тенгдошлари орасида эса фикрини чўпчак тарзда ёки таъсирли қилиб айтиб беради.

Хўш, бунга сабаб нима? Сабаби, оддий: нотаниш ва кўпчилик олдида биз ёшлар муомалада бироз ҳадиксираб, нотўғри айтиб юбормайлик деб ҳаракат қиламизу барибир кўнглимиздаги ҳадик ошкор бўлиб, хатога йўл қўямиз. Бу ҳолат икки-уч маротаба қайтарилгандан сўнг иложи бўлса ана шундай жамоат олдида гапирмасликка ҳаракат қиламиз. Тенгдошларимиз орасида эса бирмунча эркинроқ, нимани ўйлаётган бўлсак шуни айтамиз. Чунки, уларга қай фикр ёқади-ю, қайси бири ёқмаслигини бир неча давр мобайнида ўрганган бўламиз.

Жамоа ўртасида эркин фикр билдириш эса катта масъулиятни талаб этади. Ана шундай масъулиятни ҳис қилиш ва уни амалга ошириш бугун ҳар бир мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмир олдидаги муҳим муаммолардан бири эканлигини катта ёшдаги тажрибали кишилар билиб, унга жиддий ёндашиб таълим берса, яхши бўларди. Агар дарс жадвалимизга «эркин фикрни ифодалай олиш ва уни ҳимоя қилиш маданияти» каби ёхуд шунга ўхшаш фан киритилса, эртанги ўсмирларнинг фикрлай олиш механизми турлича шаклланишига асос бўлиши муқаррардир. Бу эса ўз эртанги бўлажак юрт эгаларининг хилма-хил фикрлашига, албатта, замин бўлиб хизмат қилади.

Носир АҲМЕДОВ,
Бекобод туман «Камолот» ЁИҲ аъзоси

Shuning uchun ham bog'cha yoshidagi bolalarni milliy qadriyatlar asosida jasur va pahlavon, to'g'riso'z qilib tarbiyalash birinchi galdagi vazifadir.

Maktabgacha ta'lim

ЙЎЛ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН БОЛАЛАР

катталарга ибрат бўлаяпти

Жиззах шаҳридаги "Азиза" номидаги мактабгача таълим муассасасининг ўзига хос жиҳатлари кўп. Хусусан, бу ерда йўл ҳаракати ва жисмоний тарбия йўналишига кўпроқ эътибор берилади. Бунинг боиси шундаки, боғча вилоят ички ишлар бошқармаси тасарруфида. Бу ерда тартиб-интизом ва осойишталик ўзгача. Болалар эрталаб боғчага киришдаёқ йўл ҳаракати қоидаларига амал қиладилар. Дарвоза ёнгинасида жойлашган "Ёш транспортчилар шаҳарчаси"да чорраҳа, светофор, пиёдалар ўтиш йўлакчаси бор. Ҳар бир бола ота-онаси кўмагида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда боғчага кириб келадилар. Вақти-вақти билан ички ишлар бошқармаси ходимлари йўл ҳаракатига оид жонли тарзда кўргазмали машғулотлар ўтказиб туришади. Мақсад болалар ўртасида йўл ҳаракати қоидалари, умуман, ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва тарғиб қилишдир.

Тозалик, санитария ҳолатининг талаблар даражасида ташкил этилганлиги киши эътиборини жалб этади. Бу тарбияланувчиларнинг соғлом, камкўстсиз ривожланишига хизмат қилувчи омиллардир. Болалар ўйнайдиган ёзги павильонлар кичкинтойлар руҳи ва қизиқишларига мос равишда турли манзаралар билан безатилган. Бир сўз билан айтганда, бу ерда болаларнинг зерикишига вақт йўқ. Шунинг учун ҳам "Азиза"да 280 ўрнига 300 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

Болаларни жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш бош мақсадимиз. Ана шунга биноан боғча жисмоний тарбия йўналиши бўйича иш олиб боради. Боғчада болаларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари учун барча шароит бор. Қишки ва ёзги спорт майдончалари болалар ихтиёрида. Кичкинтойларнй миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий урф-одатларни сингдиришнинг турли воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Бунда миллий ва халқ ўйинларининг таъсир кучи катта бўлаяпти. Болалар миллий ўйинлардан — "дўппи ташлар", "хоппок тош", "кўк терак", "Ойгул-Лола ғоз бўлди" каби машғулотларни бутун вужуди билан берилиб амалга оширадилар. Байрам кунлари арқон тортиш, хўроз жанги ҳам кичкинтойларга завқ-шавқ бағишлайди. Бунда жисмоний тарбия раҳбари Бахтиёр Маҳмудовнинг хизмати катта. Бевосита унинг ташаббуси билан боғчада "Отам, онам ва мен" мусобақаси тез-тез ўтказиб турилади. Жисмоний тарбия машғулотлари бўйича вилоят миқёсида кўргазмали семинарлар ташкил этилади. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Жиззах олимпия заҳиралари коллежи ходимлари боғчада жисмоний тарбия машғулотларининг қизиқарли ўтишига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Болаларнинг эркин фикрлаши, уларнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган. Турли кўргазмалар ана шундай имкониятларнинг инъикосидир. Масалан, "Олам — болалар нигоҳида" расмлар кўргазмасида жуда кўп болалар ўз иқтидорини синаб кўрдилар. Улар орасида Шерали Жўраев чизган "Ўзбекистон — менинг Ватаним", Зилола Суннатова, Лариса Валиевалар чизган "Бизнинг ҳовли", "Наврўз" каби расмлар киши эътиборини тортади. Бу расмлар орқали кичкинтойлар ўзларининг она-Ватан, унинг гўзал табиати, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббатни кўрсатишга ҳаракат қилганликлари сезилиб турибди.

"Азиза"да янги педагогик технология асосида иш юритиш қатъий йўлга қўйилган. Ҳар бир тарбиячига назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Ундан кутилган асосий мақсад эса ҳар бир тарбиячида ижодкорлик ва ўзланувчанликни тарбиялашдир. Шунга биноан кўргазмалар тайёрланган. Тарбиячиларнинг машғулотларни ИМЕН, Танграм, Монтессори усулларида олиб боришлари болалар дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Кичкинтойларни миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш — бугунги куннинг долзарб вазифаси, — дейди "Азиза" МТМнинг раҳбари Бахшанда Зуҳурова. — Эртак қаҳрамонлари, халқ ўйинлари, миллий либослар орқали бу тушунчалар болаларга содда ва равон усулда етказилмоқда. Бу борада жисмоний тарбия машғулотларидаги миллий ўйинлар кўпроқ аҳамият касб этаяпти.

Инсоннинг келажакда ким бўлиб шаклланиши унинг ёшликда олган билим ва сабоқларига боғлиқ. Ҳеч ким бирданига мард, қўрқмас, довюрак бўлиб қолмаган. Бунда ёшликдаги муҳит, таълим-тарбиянинг таъсири катта. Шунинг учун ҳам боғча ёшидаги болаларни миллий қадриятлар асосида жасур ва паҳлавон, тўғри сўз қилиб тарбиялаш биринчи галдаги вазифадир.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ДУНЁДА КАСБЛАР КЎП...

Sinab ko'ring

Дунёда касблар кўп, ёққанини танлаш, ўқувчининг касб-ҳунарга кўникма ва малакасини ҳосил қилиш, турли касб-ҳунар эгаларини улуғлаш, меҳнатларини қадрлаш, уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш дарснинг мақсади.

Диафильм, буклет, альбом, касб-ҳунарга доир адабиёт ва қўлланмалар кўргазмаси — дарс учун зарур жиҳозлар.

1-вазифа.

Синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлиниб, касб-ҳунарни улуғловчи шеърлар, афоризм ва ўзбек халқ мақолларидан намуналарни ёддан айтишади.

1-ўқувчи: Дурадгорман, дурадгор
Ҳар бир жойда мен даркор.
Кўрсам ранда, тахтани
Туролмасман ҳеч бекор.
Менда йўқ сира тиним,
"Тақ-туқ". Ишда кўп унум.
Уйга зарур эшик-ром,
Ишлаб оламан ором.

2-ўқувчи: Мен тадбиркор бўламан,
Ишим ўйлаб қиламан.
Хорижий давлатлар-ла
Рақобат ҳам қиламан.

3-ўқувчи: Ширин кулча дейсизми,
Ёки ширмон ейсизми?
Хоҳишингиз айтсангиз,
Патир, жизза десангиз.
Муҳайёдир бир зумда,
Нонвойнинг иши шуда.

4-ўқувчи: Касби корим пазанда,
Уйғонаман азонда.
Таом тайёр қозонда,
Еб қолганлар дармонда,
Емаганлар армонда.

5-ўқувчи: Мен шифокор, шифокор
Беморга ёрдам даркор.
Сизларга тилагим бор,
Касал бўлмангиз зинҳор.

6-ўқувчи: Олис йўлга чиқсангиз,
Ёки шошиб турсангиз.
Хизматингизга шайман,
Ҳайдовчиман билсангиз.
Қўлим рулда толмайман,
Чарчаш нима билмайман.
Хоҳ кундузи, хоҳ тунда,
Хизматингизда шайман.

7-ўқувчи: Тартибни хуш кўраман,
Неки бўлса сезаман.
Миршабнинг иши шу-да,
Доим сергак юраман.

Ўқитувчи: "Уста" ва "Тадбиркор" гуруҳларини баҳолаб, ғолиб бўлган гуруҳни эълон қилади.

2- вазифа.

Ўқитувчи синфнинг барча ўқувчиларига қуйидаги анкета саволларини тарқатади:

1. Сен ким бўлмоқчисан?
2. Ота-онангнинг касб-кори сенга ёқадими?
3. Қайси фанларда дарс ва машғулотлар касб билан боғлаб олиб борилади?
4. Қайси фан ўқитувчиси сенга ёқади? Нима учун?
5. Касбни пухта эгаллаш учун сенингча яна нималарга эътибор бермоқ керак?
6. Сенинг дарсдан ташқари севимли машғулотинг (хоббинг)?
7. Мактабда қайси тўгаракларга қатнашиб келасан?
8. Касб-ҳунар танлашингда кутубхоналарнинг роли борми? Компьютернинг-чи?
9. Касбни улуғловчи қандай фильмларни биласан? Бадиий китобларни-чи?
10. Сен яшаётган туман (шаҳар)да қандай касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар мавжуд?
11. Мактаб ўқувчиларининг улар билан ҳамкорлиги қандай?
12. Мактабингизда турли касб эгалари билан учрашувлар бўлиб турадими?

Ўқувчи анкета саволларига жавоб берар экан, ўз исми ва фамилиясини кўрсатмайди. Бу эса, эркин фикрлашга, тортинмасдан рўй-рост жавоб бериш имконини туғдиради. Жавоблар тайёр бўлгунга қадар магнитафон орқали "Нон нашидаси" қўшиғи эшиттирилади. Қўшиқдан сўнг анкета жавобларининг натижалари эълон қилинади.

3-вазифа.

Ўқувчилар ўзлари яшаб турган маҳалла ва кўчасида истиқомат қилаётган турли касб эгалари ҳақида ҳикоя қилишади.

1-ўқувчи: Бувам кўп йиллар бошланғич синфларга дарс берган. Мана олти йилдирки, кексалик гаштини сураяпти. Нафақада бўлса ҳам ўзи севган дурадгорлик касби билан машғул. Кунларнинг бирида бувам чой устида: "Дурадгорлик билан шуғулланган йилларимни умримнинг энг яхши лаҳзалари деб ҳисоблайман", деди фахр билан. Ҳақиқатан ҳам бувамнинг ясаган эшик-ромлари ҳамманинг ҳавасини келтиради. Устахонадаги 70 дан зиёд асбоб-ускуналар катта бобомиздан мерос бўлиб қолган. Дурадгорлик асбоблари устанинг ишини кўрсатади-да.

2-ўқувчи: Биз яшаётган "Бахт" маҳалласида қўли гул тикувчи Я.Ли кўпчиликка таниш, ёши 65 ларда. У умри давомида тикувчилик касбини эъзозлаб, ардоқлаб келаётир. Турли тикув машиналарини ҳам таъмирлай олади. Айни кунда ҳам маҳалла аҳлининг оғирини енгил қилиб келмоқда.

3-ўқувчи: "Қўйтош" қўрғонида ҳамма Тошпўлат амакимни "уста темирчи" деб аташади. Эллигинчи йилларнинг бошларида ҳарбий хизматдан қуролдош дўстлари ота-она ва яқинларига совғалар билан қайтганда амакимнинг жомадонида тўла темирчилик асбоб-ускуналари бўлган экан. Шунда отаси: "Ўғлим, бу нимаси? Эл-юрт нима дейди? Кулишмайдими, ахир..." — деб танбеҳ берган экан. Бу гаплар ҳалигача элнинг оғзидан тушмайди. Амакимиз бир умр темирчилик касбини ардоқлаб, эл-юрт ҳурматини қозонган, обрў-эътибор топган. Ҳозирда 80 ёшда, бардам-бақувват. Вақти-вақти билан мактаб ўқувчилари меҳмони бўлиб, севган касби ҳақида уларга мароқ билан сўзлаб беради.

Дарс сўнгида жавоблар изоҳланади, шу мавзуга атаб тайёрланган буклет, альбом, касб-ҳунарга доир бадиий китоб ва қўлланмалар кўргазмаси ташкил этилади.

Абдулла САИДОВ,
Ғаллаорол туманидаги 78-мактаб ўқитувчиси

Uning indamay qo'yaqolishida g'oliblarga xos o'ktamlik, kuchlilarga xos kechirimlilik, tantilik ko'rinadi.

«Doston» so'zi forscha bo'lib, qissa, hikoya, sarguzasht, ta'rif ma'nolarini bildiradi.

«MALIKA AYYOR» DOSTONI HAQIDA

(Davomi. Boshi o'tgan sonda)

Asad va Shodmon timsollari dostonda bir qadar hajviy, bir qadar yumoristik yo'sinda tasvirlanadi. Ularning usta merganliklari ham («ular daftari mergan edi, uchar qushning ko'zidan otar edi»), nochor va qo'rqoq, ayni vaqtda, maqtanchoq hamda chiranchiq odamlar ekanligi ham vaziyatdan kelib chiqqan holda bir qadar yengil ohang bilan tasvirlanadi. Nega? Chunki Go'ro'g'li va Avaz singari qudratli shaxslar oldida merganlarning vazni, ta'sir darajasi, hatto, dushmanliklari ham arzimas ekanligi ana shu tarzda ifoda etilgan. Asad bilan Shodmonning yovuzliklari miqyosi ham o'zlariga yarasha mayda bo'lgani uchun doston ijodkorlari ularning xatti-harakatlariga kulibroq yondashishgan. Baxshilar Yaratganning adolatini chuqur his qilishadi. Shu bois yomonlik yomonning o'ziga ham yomonlik keltirishini Avazni o'ldirish maqsadida Torkistonga borib, bir dunyo azoblar tortgan Asad va Shodmon obrazlari misolida ko'rsatishadi.

Merganlar dostonning ko'p joylarida shaxsiy qiyofasi yo'q darajada bir-biriga juda o'xshash holatda tasvirlansa-da, qaltis vaziyatlarda har biriga xos ma'naviy sifatlar «yarq» etib ko'rinib qolgan. Jumladan, Avaz arbotinlik askarlar bilan bo'lgan jangda og'ir yaralanganini ko'rgan Asad o'zini qutqarib qochmoqchi bo'ladi, Shodmon nayman esa Asadga qarata:

Maydonda kesilar dushmanning boshi,
Qiyomatcha bo'lar mardning savashi.
Bu maydondan qochmoq
nomardning ishi,
Jurgin, Avazjonni izlab borayik!
Senga aytay men so'z bilan javobdi,
Maydon qurib o'lmoq erga savobdi.

deydi. Bir qarashda xiyonatkor kishining bu gaplarida mantiqsizlik borday tuyuladi. Lekin jiddiy o'ylab ko'rilsa, Shodmonning jangchi ekanini, jang maydonida Avazga xiyonat qilishni istamasligini tushinish mumkin. Sog' ekanida Avazni yo'q qilishga uringan mergan yarador jangchiga qurol o'qtalish emas, uni tashlab ketishni ham uyat biladi. Shodmon mergan, hatto, o'ziga zarar bo'lsa ham e'tiqodiga qarshi borishni istamaydi. Buning ustiga, Shodmon jangchi sifatida «Maydon qurib o'lmoq erga savob»ligini tuyadi va shunga intiladi. Asad - tamomila boshqa olam. Shu bois ham u deydi:

Jangi qursin, valloh, yuzin ko'rmay deb,
Kecha-kunduz ahdu paymon qilibman,
Juring, og'a, Chambil elga jo'nayik.

Doston ijodkorlari inson shaxsiga xos murakkablikni yaxshi bilishadi. Asl jangchiga xos ruhiyat shundayki, qo'rqoq va xiyonatkor bo'lishiga qaramay, hatto Asad ham ayni chog'da nochor bo'lgan Avazni o'ldirishni xayoliga keltirmaydi. Asarda odam hamisha ham faqat manfaatiga mos keladigan ishni qilavermasligi yaxshi aks etgan. Merganlarning yaralangan Avazni o'ldirish yoki uni tashlab qochib ketish o'rniga yigitning sanoqsiz dushmanlari ustiga tashlanib, ularga qarshi jang qilishlari lavhasi ana shunday holatning ifodasidir. Doston ijodkorlari merganlarni ideallashtirmaganlar. Ularning qo'rqoqlikdan iborat asl qiyofasi sinovlar jiddiylashib, hayotlari xavf ostida qolganda yana namoyon bo'laveradi. Merganlarning: «Avazjon, sen durust bo'lib qolgan ekansan, sening oyoq olishing durust ekan, bizlar bilan birga yurib urushning tartibini ta'lim olsang, bizlarday bo'lib qolasan ekan»,- degan gaplarida kuchli hajviy ma'no yashirinib yotibdi. Avazning tabiati shundayki, u merganlar bilan pachakilashib, gap talashib, aslida kim ekanliklarini isbotlashga urinib o'tirmaydi. Uning indamay qo'yaqolishida g'oliblarga xos o'ktamlik, kuchlilarga xos kechirimlilik, tantilik ko'rinadi.

Dostonning badiiy xususiyatlari. «Malika ayyor» dostoni g'oyat kutilmagan voqealarga boyligi, o'tkir syujeti, shirali tili, timsollar tizimining puxta va hayotiyligi bilan o'ziga xos badiiy hodisadir. G'ayritabiiy tasvirlar, favqulodda holatlar ifodasi ko'p bo'lgan asarda o'rni bilan hayotiy mantiq, tabiiy izchillik, maishiy aniqlikka jiddiy e'tibor qilingan. Chunonchi, jazirama Qizilqumdan bosib o'tilgan yo'lning dahshati dostonda «**Yigirma uch kecha-kunduz yugurib, Korsonidan ivib tushdi tuyog'i**» tarzida tasvirlangan. Ot holatining bu tarzda berilishi, biror og'iz gapirilmagan bo'lsa-da, otliqlar holati haqida aniq tasavvur uyg'otishga xizmat qiladi. Asarda tasvirning aniqligiga olib keladigan nozik ifodalar berilganligi uning ta'sir kuchini oshirishga xizmat qilgan:

Tog'larda bordir zarangi,
Egnida bordir parangi,
Oylar ham toshday qorong'i.

Tog'da o'sadigan zarang daraxti haqidagi xabardan boshlanib, qahramon egnidagi kiyimni aks ettirgan va oqlik, tiniqlik belgisi bo'lmish oyni qora toshga mengzash bilan tugallangan o'xshatish va sifatlashlar tizimi noma'lum mamlakatni izlab savrning bulutli tunida, notayin yo'ldan ketayotgan Avaz holatini aniq va ta'sirli ifodalagan.

Asarda munosabat yoxud holatning aniqligiga erishish uchun mubolag'adan mahorat bilan foydalanilgan. Chunonchi, «**Qiyomatcha bo'lar mardning savashi**» deyiladi bir o'rinda. Qiyomatning qanday bo'lajagi hech kimga ma'lum emas. Lekin shu kuni o'n sakkiz ming olamning ostin-ustun bo'lishi, adadsiz bir besaranjomlik yuz berishi tasavvur etiladi. Qiyomatday tamomila noma'lum tushuncha, savashish, jang qilish singari bir muncha real holatning moddiylashtirilishiga xizmat qilgan. Dostonda uzoqdan tutunga o'xshab ko'ringan narsa g'orda maishat qilib o'tirgan qirq devning dami ekanligi tasviri ham ifodaning ta'sir darajasini kuchaytirgan. Asardagi badiiy tasvir unsurlari, o'xshatish va sifatlashlar, badiiy qoliplar xalqimizning turmush tarzidan, udumlaridan kelib chiqqanligi ko'zga tashlanadi. Bu hol tasvirning hayotiyligini, ta'sirchanligini orttiradi. Jumladan, «**Otga soldik arpa bilan iyirni[1], Qor yoqqanda karvon solar chiyirni[2]**» tasviri chorvachi ajdodlarimizning hayotiy tajribasidan paydo bo'lganligi ko'rinib turibdi. Dostonlardagi tasvir samimiyati ham uning tabiiiyligi, hayotiyligi, turmushga, demakki, odamning ko'ngliga yaqinligidadir.

Asarning har bir qahramoni o'z tabiati, tutgan ijtimoiy mavqei, ayni vaziyatdagi maqomiga yarasha nutq bilan ta'minlanganki, bu hol dostonning badiiy ta'sir darajasini orttirishga xizmat qilgan.

Oshiqning fahmidir qorong'i kecha,
Yig'lasam, holimga yig'lar bir necha.
Birov o'ngga, birov chapga yuradi,
Mendan savol so'rab, ishlaring qancha?

Ushbu parchada oshiqqa qorong'ilik kerakligi bilan Maqotil holati o'rtasida tashqi yaqinlik, bog'liqlik yo'q. Ammo oshiqning qorong'ilikni xush ko'rishi tabiiy bo'lganidek, Maqotil nazarida Avazga o'xshagan mayda odamlar unga ro'para bo'lmaganidan quvonishi kerak edi. Avaz esa, o'z holiga qaramay, uni savolga tutgani pahlavonni taajjubga solgani shu yo'sin ifodalangan.

Gulqiz parining kanizagi Gulzamon Avazni ko'rgach, malikasiga borib aytgan: «**Yo'li bo'lgan yigitning yangasi oldidan chiqadi**», «**Yer - tilagan yerda aziz**», «**Chaqirmasa boruv yo'q, chaqirgan yerdan qoluv yo'q**», «**Yo'l uzoq bo'lsa ham poygasi yovuq...**» singari maqollar personajlarning ayni vaziyatdagi ruhiy holati va ijtimoiy o'rnini ifodalashi jihatidan katta ahamiyat kasb etadi. Avazning qoshiga bormoqchi bo'lib tayyorlanayotgan Gulqizparining holati qadimgi xalq go'zal. Shu sahnada Avaz tilidan aytilgan: «**Kuchuk bosmas yo'lbars, sherning izini**» ifodasi ma'nosining chuqurligi, tasvirning zalvori tufayli ulkan badiiy qudrat kasb etadi. Gulqizpari makoniga Qizildevning kelishi holati «**Endi bu devlarning keladigan vaqti bo'ldi. Qor-yomg'irlar uchqunlab shobiri keldi**» tarzida tasvirlanib, ta'sirchan hayotiylikka erishilgan. Baxshilarning iste'dodi sababli mubolag'a quyuqlashib, hayotiy reallikdan qanchalik uzoqlashilsa, devlarning vahimasi shunchalik aniqlik kasb etib borgan.

Dostonchi baxshilar narsa-hodisa yoki holatni xuddi ko'rib turganday aniq tasvirlashga e'tibor qilganlar. Jumladan: «**Turkiston shunday shahar: buni qorong'ilikda parilar, devlar yasagan. Shu qorong'ilik dunyoga yorug' dunyoning kuni bilan oyining shu'lasi urmas. «Bu oy bilan oftobga muhtoj bo'lmaylik» deb yaxshi olmoslardan, dur, gavharlardan oy, oftob qilib, qimmatbaho toshlardan yulduz qilib qo'ygan**» ifodasi ayni shu jihatdan diqqatga molikdir. Asarda Shoqalandarning qahrlanishi ham g'oyat moddiy, ko'rsa bo'ladigan tarzda aks ettirilganki, yozma adabiyotda mavhum hissiy holatni bunday aniq ko'rsatish tajribasi hanuzgacha ham yo'q. Chunonchi, Shoqalandar ularni osmoqchi bo'lgan jallodlarga qahrlanib qarashi bilan uch yuztasini toshga aylantirib qo'yishi tasviri o'quvchida ishonchsizlik uyg'otmaydi, balki «qahrlanganida murtiga qirov qo'nadigan» kishi timsolining badiiy effektini oshiradi.

«Malika Ayyor»da tasvir haqiqati, hayotiyligini ta'minlashga yetarli e'tibor qilingan. Bu hol Mahmudjonning suyak xirmoni tagida yotgan Shoqalandarni devlar hididan bilib qolmasliklari uchun tutgan yo'lida juda asosli aks etgan. Chunki badiiy an'analarga muvofiq devlar odamni hididan bilishadi. Agar Mahmud Shoqalandar yotgan suyak xirmoni ustida o'tirsa, devlar odam hidi bolaning o'zidan kelyapti deb o'ylashadi va bezovta bo'lishmaydi. Aks holda esa, begona is qayerdan chiqayotganini qidirib, Go'ro'g'lini topib olishlari mumkin. Bola suyak ustiga joy qildirib o'tirib olgani uchun ham devlar Shoqalandarni qidirishmaydi. Albatta, Go'ro'g'li ularning topib olishlaridan qo'rqqani sababli emas, balki devlardan Torkistonning qaerdaligi va Malika ayyorni qo'lga kiritish yo'lini bilib olish uchun yashirinishi zarur edi. Doston aytuvchilari tasvirning shu jihatlariga ham alohida e'tibor qilishgan.

Dostonda xalq maqol, matal va qo'shiqlaridan juda o'rinli foydalanilgan. «**Yo'li bo'lgan yigitning yangasi oldidan chiqadi**», «**Yer - tilagan yerda aziz**», «**Chaqirmasa boruv yo'q, chaqirgan yerdan qoluv yo'q**», «**Yo'l uzoq bo'lsa ham poygasi yovuq...**» singari maqollar personajlarning ayni vaziyatdagi ruhiy holati va ijtimoiy o'rnini ifodalashi jihatidan katta ahamiyat kasb etadi. Avazning qoshiga bormoqchi bo'lib tayyorlanayotgan Gulqizparining holati qadimgi xalq qo'shiqlaridan foydalangan holda shunday ifodalanadi:

O'n qo'lima o'n bir uzuk
Taqib qo'yinglar, qizlarim.
Zarli kovush chang bo'lmasin,
Qoqib qo'yinglar, qizlarim.
Oq yuzimga upayu, rang
Yoqib qo'yinglar, qizlarim.
Bu qoshima mashati o'sma
Surtib qo'yinglar, qizlarim.
Ro'molim qiyshiq bo'lmasin,
Surib qo'yinglar, qizlarim.
Buvishing yo'lga enadi,
Turtib qo'yinglar, qizlarim.

Asarda qiz qanday tuyg'ularni boshidan kechirayotgani, uni hayajonlanishi sababi haqida mutlaqo to'xtalinmagan. Ammo qizning orolanishining o'ziyoq u tushgan ruhiy holatni, bo'y qizning kechinmayu sezimlarini yorqin aks ettiradi. Gulqiz barmoqlaridagi uzugidan tortib, oyog'idagi kovushi-yu, boshidagi ro'moli qanday o'ralashiga qadar o'ylashining o'zi bilan uning uchun borayotgan joyining nechog'lik muhim, uchrashadigan yigit qanchalik ardoqli ekanini bildiradi. Ko'rinadiki, baxshilar nafaqat doston aytishni, balki milliy folklorning o'zga janrlari, jumladan, qo'shiqlarni ham yaxshi bilishgan va dostonda ulardan ustalik bilan foydalanishgan.

Dostonda nafaqat odam, balki G'irko'kning holati ham juda o'ziga xos va ta'sirli ifoda etilgan. Jumladan, otning merganlar o'qidan saqlanish uchun goh ko'kka sapchib, goh yerga qapishishi, Avaz yaralanganda uni yiqitmay suyab maydondan olib chiqishi tasvirida ot personafikatsiyalashadi, ya'ni insoniy sifatlarga ega bo'ladi:

Burilib boradi G'irko'kday tulpor,
Ustida yarador Avazday nomdor.
Oldiga tashlasa, yol bilan suyar,
Keyinga tashlasa, quyruqman suyar.

Bu ifoda otning holatini, uning iztiroblari, istagu kechinmalarini ham tuyidirishga xizmat qilgani bilan diqqatga molikdir.

«Malika Ayyor» dostonida xalqqa xos odatlar, udumlar o'z o'rnida aks ettirilgani uchun ham o'quvchiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Yaproqdev ham, Qizildev ham Avazni mehmon qilib, tunashga joy berib, ertasigagina «Yo'l bo'lsin?»- deb so'raydi. Chunki o'zbekcha odobga ko'ra mehmonga nega kelding, nima ishing bor deyilmaydi. Ketayotganda yoki ketmoqchi bo'lgandagina buni aniqlashtirish mumkin. Shuningdek, safarga ketayotgan odamdan qaytar muddatini so'rash odati ham dostonda g'oyat nazokat bilan tasvirlanadi. Ayni shunday tasvir «Alpomish» dostonida ham berilgan. Chambildan Malikani izlab yo'lga tushgan Avazning Go'ro'g'liga o'n olti oyda kelaman deb, Shoqalandar, Shozargar hamrohligida er ostidagi Turkistonga tushib ketayotgan Avazning tashqarida qolayotgan merganlarga qirq kunda qaytaman deb va'da berishi va aynan aytilgan muddatga rioya etishi singari jihatlar ham xalqimizdagi so'zga egalik, imkoniyatlarni aniq hisobga olishga urinishni aks ettirganligi bilan ahamiyatlidir. Dostonda muddat tushunchasi anchagina shartli anglanadigan o'rinlar bor. Turkistonning Chambildan oltmish yillik yo'lda ekani va bu masofaning Go'ro'g'liga ham, Avazga ham unchalik ko'p tuyulmasligi xalqning tadbirkor, g'ayratli va omadyor odamlar vaqtdan tezroq harakatlanishiga ishonganligini ifoda etadi.

Dostonda xalqimizga xos mehribonlik, yaxshilik qilgan kishidan qarzdorlik tuyish singari xususiyatlar ishonarli tasvirlangan. Jumladan, doston so'nggida Mahmudjonning Zebitga, Hasanzargarning Rumga ketish oldidan Shoqalandarga chuqur minnatdorchiligi, ehtiromi, Avazga muhabbati kabi jihatlar asarda go'zal aks ettirilgan. «Malika ayyor» dostoni badiiyatiga xos yana bir jihat shundaki, syujet rivojining avj nuqtasi asar oxiriga – echimiga to'g'ri kelgan. O'quvchi so'nggi daqiqagacha ham «Malika kimga nasib etarkin?» — degan tahlikali savolga javob topolmay qiynaladi. Asar tugunining kutilmagan tarzda echilishi, ya'ni ayyor qiz dostondagi sarguzashtlarning bosh sababchisi va asosiy sinovlarni bartaraf etgan keksa Go'ro'g'liga emas, balki navqiron Avazga berilishi asarning ta'sirchanlik darajasini yanada oshirishga olib kelgan.

«Malika Ayyor»ning boshidan oxiriga qadar asl e'tiqod, ezgu niyat g'olib chiqishi, o'zini haqning yo'liga bag'ishlagan odamlar murodiga etishi ko'rsatilgan. Maqotil jismonan Avazdan minglarcha barobar kuchli bo'lmasin, uning e'tiqodi sust, ruhiy tayanchi nochor edi. Shu bois u yengilishga mahkum edi. Bu hol dostonda Maqotil har kaltak urganda: «Yo, Lot!»- deb, Avaz esa har qilich tortganda: «Allohu Akbar!»- deya hayqirishi tasvirida seziladi. G'alabaga Avazning o'zigina emas, uning e'tiqodi ham sababligi shu tarzda ko'rinadi. Unga zafarni Alloh berdi. Bobolarimizning shu inonchi asarda juda jonli tasvirlangan. Ruhoniy olamning cheksiz qudrati, ilohiy inonch, e'tiqodning kuchi dostonda Shoqalandar va Hasanzargar timsollari orqali yorqin tasvirlangan. Qalandarlarning sehrgarlik qobiliyatiga egaligi, piyoda holda otdan tez yurishi, qiyinchiliklarni pisand qilmasliklarida so'fiyona e'tiqodning qudrati aks etgan.

Qalandarlar otdan o'zib boradi,
Bedovlar qumda yuzib boradi.
Kunba-kun badani qizib boradi,
Avaz o'g'lon ko'nglin buzib boradi.
Mast bo'lib boradi ikki qalandar,
Qistasa ham yetolmaydi bedovlar.

Shoqalandarning Qosimshoh bilan bahsi, aytishuvi, unga bergan javobida bu timsolning butun mohiyati aks etgan deyish mumkin:

So'zimni eshitgin, Qosim, muqarrar,
Otim Yo'lchi, o'zim yurgan qalandar.
Tarki dunyo qildim, dunyo na darkor,
Qahr aylasam, vayron bo'lar shaharlar.
Valiyilloh nom ko'tarib yuraman,
Sendayin shohlarning qo'lin olaman
Qalandar surati zohir muqarrar.
...

Shoqalandarning izohida uning imkoniyatlari, siyrati, botiniy qudrati to'la aks etgan deyish mumkin. U o'zini yo'lchi deydi. Ma'lumki, tasavvufda Yaratganni izlab, komillik yo'liga tushgan soliq kishi yo'lchi deyiladi.

Dostonda sehrli fantastik tasvir unsurlari ko'p uchraydi. Chunonchi, Yaproqdevning tilsim bilan Avaz va sheriklarini to'rg'aylarga, otlarini olmalarga aylantirishi, Gulqiz parining makonida bog'dagi mevalarning eyilmasligi, qo'l bilan tutish mumkin emasligi, tokning Avazni bo'g'ishi, kapgirning yigit manglayini yorishi, suvning esa necha gaz pastlab ketishi shunday sahnalardirki, bu xil tasvirlar boshqa dostonlarda yo'q hisobi. Dostonning o'ziga xos bir jihati shuki, unda eng xayoliy-fantastik holatlar tasviri ham mustahkam mantiqiy asosga ega. Chunonchi, Malika, Tillaqiz, Mahmudjon o'g'irlab ketilganini bilib, Shoqalandarga qarshi qo'shin tortgan Boymoqdevninng askarlari orasida uchadigan ko'kqashqalari, erda yuradigan qoralari borligi tasviri tasvir hayotiyligi va ta'sirchanligi jihatidan diqqatga molikdir.

SAVOL VA TOPSHIRIQLAR

1. Soqibulbulning Go'ro'g'liga e'tirozi va undan hukmdorning qahrlanishi tasvirini doston matnidan topib, sababini izohlang.
2. Sayisning G'irko'kka munosabati va otning o'zini tutishi haqida fikr yuriting.
3. Go'ro'g'lining Malika Ayyorga yo'liqishi bilan uning safarga chiqqan vaqti orasida bog'liqlik bor deb o'ylaysizmi? Fikringizni asoslang.
4. Malikani olib kelishga Avazni jo'natish Go'ro'g'li uchun oson bo'ldi degan fikrdamisiz?
5. Merganlarning Avazga yovlashishi sabablari haqida o'ylab ko'ring.
6. Bahaybat Maqotilning Chambil va o'zbeklar haqidagi gapidan so'ng Avazning jangga shaylanishi yigit shaxsiyatidagi qaysi jihatlarni ko'rsatishini matnga tayanib, tushuntiring.
7. Avaz bilan Maqotil olishuvi tasvirini yana bir o'qing. Ularning bir-biriga zarba berishida qanday so'zlarni tilga olganligiga e'tibor bering va ularni izohlang.
8. G'irotning Soqibulbul hujumi, Asad va Shodmon merganlarning o'qqa tutishi, arbotinliklar urushidagi holati tasvirini izohlang.
9. Shodmon merganning: «**Maydon qurib o'lmoq elga savobdir**»,- degan gapini, qochmoqchi bo'lgan Asadga o'ldiraman deb tahdid qilishini uning oldingi va keyingi xiyonatkorliklari bilan solishtiring.
10. Avazning xonzoda bo'lishiga qaramay, merganlarga xizmat qilishi sababi haqida fikr yuriting.
11. Devlar bilan uchrashuv tasviriga tayanib, Avaz shaxsiyatiga xos yuksak sifatlar haqida to'xtaling.
12. Asar matniga tayanib, Shozargar qalandarning tabiati haqida fikr bildiring.
13. Shoqalandar va Shozargarlarning G'irko'k bilan tengma-teng yugurishi, suvsiz cho'lda ham chanqamasligi sababini izohlang.
14. Dostonda inson aqli, g'ayrati, tadbirkorligi bilan devlardan qudratliroq ekanligi aks etgan o'rinlarni topib, izohlang.
15. Devlarning kelishi bilan ob-havoda bo'lgan o'zgarishlar o'rtasidagi bog'liqlik tasviri haqida o'ylab ko'ring. Uning badiiy vazifasini tushuntirishga urining.
16. Yaproqdev va Qizildevlarning Avazdan faqat ketar chog'ida «Yo'l bo'lsin?»- deb so'rashi sababini izohlang.
17. Shozargarning xiyonatkor xotinini fosh qilish yo'sini Avaz tabiatining qaysi jihatlarini namoyon qiladi?
18. Malika Ayyorning Go'ro'g'liga emas, Avazga berilishi sababi haqida mulohazangizni bildiring.
19. Gulqiz va Mahmudjon munosabatlarini izohlang.
20. Dostondan o'zingiz yoqtirgan parchani yod oling.

XALQ DOSTONLARI HAQIDA

Xalq og'zaki ijodi badiiy adabiyotning eng qadimgi shaklidir. Negaki, badiiy asarlar dastlab og'zaki shaklda paydo bo'lgan, og'izdan-og'izga ko'chib yurgan. Hech qanday yordamchi vositalarsiz xalqning xotirasi tufayli davrlar osha avlodlarga yetib kelgani hamda kim tomonidan yaratilgani noma'lum bo'lgani uchun ham bunday asarlarga **xalq og'zaki ijodi** namunalari deyilgan. «Xalq og'zaki ijodi» birikmasi o'rnida «**folklor**» atamasini ham ishlatish mumkin. «Folklor» inglizcha «folk" (xalq) va «lore» (donolik) so'zlaridan yasalgan.

O'zbek xalq og'zaki ijodi namunalari orasida doston alohida o'rin tutadi. XIX asr oxiri va XX boshlarida folklorchi olimlar o'zbek baxshilari tomonidan yuz ellikka yaqin doston kuylanganini aniqlashgan va variantlari bilan qo'shib hisoblaganda, ulardan **to'rt yuztacha** asarni yozib olishgan. Folklor tanuvchilarning aytishlaricha, birgina «Go'ro'g'li» turkumidagi dostonlar soni yuzdan oshadi, yolg'iz «Alpomish»ning qirqdan ortiq yozib olingan varianti bor.

«Doston» so'zi forscha bo'lib, qissa, hikoya, sarguzasht, ta'rif ma'nolarini bildiradi. **Favqulodda xususiyatlarga ega qahramonlarning boshidan o'tgan voqealar she'r va nasrda aralash tasvirlangan yirik hajmli muallifi noma'lum epik asar xalq dostoni** deyiladi. Yozma adabiyotda ham doston janridagi asarlar bor. Yozma dostonlar she'riy bo'lib, **biror personaj** boshidan kechirgan **hodisalar** shoirning **tuyg'ulari** bilan uyg'unlikda tasvirlanadi.

Xalq dostonlariga xos asosiy belgilar shundan iboratki, ularda she'r bilan nasr aralashib keladi. Dostonlardagi she'rlar, asosan, o'n bir bo'g'inli bo'lib, barmoq vaznida aytiladi. Qahramonlarning o'y-mulohazalari, nisbatan tinch ruhiy holati tasviri, o'zaro so'zlashuvlari o'n bir bo'g'inli she'r bilan ifodalanadi.

Qahrlansam, qirov turar murtima,
O'zim o'lmay, kim keladi yurtima.
Xazon bo'lib, bog'da gullar so'ldimi?
Biror yurtdan elga dushman keldimi?

Ayrim hollarda tasvir talabiga ko'ra yetti, sakkiz bo'g'inli she'riy ifodalar ham uchrab turadi. Otlar chopishining shiddati, suronli jang manzaralari, personajlarning tezkor harakatlari aks etgan o'rinlar oz (yetti-sakkiz) bo'g'inli she'rlar vositasida beriladi.

Dushmanlarni to'plab olib,
Yetganiga qilich solib,

O'qituvchiga yordam

Har dara o'likka to'lib,
Bosh kesar maydon ichinda.

Xalq dostonlaridagi nasriy parchalar ham o'ziga xos bo'lib, ko'pincha, saj' yo'lida, ya'ni qofiyali qora so'z shaklida yaratiladi. Nasriy parchalarning bu tarzda berilishi xalq dostonlarining ifoda darajasini orttiradi, badiiy ta'sirchanligini ko'taradi. Chunonchi, «Go'ro'g'lining zo'r deb ta'rifi **ketgan**, zarbasi toshdan **o'tgan**, qilichining ishlovi **yetgan**, tekkan omon qolmasin deb zaharning suvin **yalatgan**» nasriy parchasidagi «**ketgan**», «**o'tgan**», «**yetgan**», «**yalatgan**» so'zlari nasriy bayonga ohangdorlik, musiqiylik baxsh etadi, u eshitish va eslab qolishni osonlashtiradi.

Xalq dostonlarining deyarli hammasida uchraydigan ifodalar, tasvirlar bor. Ular folklorchilikda «**epik qoliplar**» deyiladi. Epik qolip yoki **klishelar** xalq dostonlarida doimiy ravishda takrorlanib turadigan holatlar tasvirida qo'llaniladi. Jumladan, dostonlarning boshlanishi va tugallanishi, personajlarning ko'rinishlari, ularning bir-birlariga qilgan nasihatlari, tulpor otlarga berilgan ta'riflar, safar yoki jang tasvirida epik qoliplardan foydalaniladi. Misol uchun:

Dam shu damdir, o'zga
damni dam dema,
Boshing eson, davlatingni kam dema.
Yoki
Kokillarim eshilgandir tol-tol,
Har toliga bersa yetmas dunyo mol.

Shuningdek, xalq dostonlarida asardan-asarga ko'chib yuradigan, badiiy qolip holiga kelib qolgan she'riy qatorlar, qo'shmisralar yoki folklortanuvchilar tili bilan aytganda, **uslubiy formulalar** ham muhim badiiy ahamiyat kasb etadi. «Yana bahor bo'lsa, ochilar gullar, Gulni ko'rsa, mast bo'b sayrar bulbullar», «Qiyg'ir degan qush o'tirar qiyada», «Ot chopsa, gumburlar tog'ning darasi, Botirni ingratar nayza yarasi», «Xazon bo'lmay bog'da gullar so'ldimi, So'lgan gulga bulbul kelib qo'ndimi?», «Davlatimdan sholu sholdon o'rayman», «Oshiqning fahmidir qorong'i kecha, Yig'lasam, holimga yig'lar bir necha» singari ko'plab uslubiy formulalar she'riy bandlarning boshi, ba'zan o'rtasida kelib, aytuvchi baxshining nafas rostlashiga, fikrini to'plab olishiga, quyilib kelayotgan tuyg'ularni ifodalash uchun zarur so'zlarni topib olishga imkon yaratadi.

O'zbek xalq dostonlari aytilish yo'liga ko'ra 1. Qashqadaryo-Surxondaryo dostonchilik yo'nalishi. 2. Samarqand dostonchilik yo'nalishi. 3. Farg'ona dostonchilik yo'nalishi. 4. Xorazm dostonchilik yo'nalishi singari to'rt yo'nalishga ega. Qashqadaryo-Surxondaryo maktabida doston bir baxshi tomonidan do'mbira jo'rligida **bo'g'iz**dan ijro etiladi. Samarqand yo'nalishida dostonlarni baxshi do'mbira bilan **ochiq ovozda** kuylaydi. Farg'ona yo'nalishida doston musiqa asbobisiz **ohangga solib** aytiladi. Xorazm dostonchilari esa asarlarni jamoa bo'lib, tor, doira jo'rligida ijro etishadi.

SAVOL VA TOPSHIRIQLAR

Xalq og'zaki ijodi namunasi bo'lgan asarlarga xos belgilarni ko'rsating.

Doston janriga xos xususiyatlarni ajratib, sharhlang.

Dostonlardagi she'rlarning turli vazndaligining sababini izohlang.

Xalq dostonlari badiiyatida doimiy epik qoliplar tutgan o'rinni izohlang.

(Davomi bor)

Yangicha usulda davolangan bemorlar odatdagi usulda ahvoli o'nglanayotganlarniki bilan solishtirilganda, o'lim hodisasi 17 foizga, asoratlar esa 22-24 foizga kamaydi. Bu — 131 nafar bemor taqdirida kuzatilgan natija edi.

Инсонни ўраб олган муҳит, маълум соҳада шуғулланиши, яшаши, дам олиши, бир сўз билан айтганда, умргузаронлик қилишида соғлик — бирламчи шарт. Соғлиги ҳақида ўйлашга, қайғуришга киши ҳамиша ҳам бирдек вақт ёки имконият топа олмайди. Касаллик безовта қилиб, жонга оғриқ бера бошлагандагина у елиб-югуриб, шифокорга мурожаат қилади. Касалликни даволаш, унинг асоратларини йўқотиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида турли хил тажрибалар ўтказиш ва уни борган сари мустаҳкамлашга эришиш тиббиёт илми доирасига киради. Инсон саломатлигини яхшилаш, унинг умрини узайтириш билан боғлиқ қанчадан-қанча тажрибалар ўтказилмоқда. Ана шу тажрибалар катта самара келтириши исботланганда эса, улар патент билан ҳимояланади.

Fan va hayot

ТЎҚҚИЗИНЧИ ПАТЕНТ

2-Тошкент давлат тиббиёт институтида жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликларни ўрганиш, тадқиқ этиш натижасида ижобий усуллар таклиф қилиняпти. 1993 йил бошланган тажрибалар 2002 йилга келиб, тўққизинчи патентни олиш билан якунланди. Эҳтимол, патентлар сони бу билан тўхтаб қолмас, агар изланиш давом этаверса, ўнинчи ва ўн биринчи патентлар ҳам олинар. Хўш, улар нима учун берилди, асосий муддао нимадан иборат?

Қорин бўшлиғида ўтказиладиган операцияларнинг битиб кетиши учун қўлланилган усулларда бемор жароҳати турли эритмалар билан ювилар, бунда баъзан янги асоратлар келиб чиқар, айрим ҳолларда ўлим ҳодисаси ҳам кузатиларди. Қорин бўшлиғининг йирингли яллиғланиши, яъни перитонитларда одатдаги усулдан воз кечилиб, сувда эрувчан малҳамларга мурожаат қилинса, қандай натижа берар экан?

Кафедра мудири, профессор Бахтиёр Бобожонов ва унинг атрофига уюшган ёш мутахассислар — Октябрь Тешаев, Улуғбек Қосимовлар ишни нимадан бошлаш кераклиги хусусида кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, тиббиётдаги азалий анъанага мувофиқ, ит ва каламушлар устида тажриба ўтказиб кўришди. Сувда эрувчан малҳамлар — левосин, левоменол, диоксикол билан жароҳат ювилгач, ҳайвон ҳужайраларида қандай ўзгариш содир бўлиши, у қонга сўрилгач, организмга қандай таъсир қилиши синчиклаб таҳлил этилди ва кутилган натижа қайд қилинди. Демак, сувда эрийдиган бу малҳамларни инсон организмида ҳам қўллаб кўриш мумкин экан. Янгича усулда даволанган беморлар одатдаги усулда аҳволи ўнгланаётганларники билан солиштирилганда, ўлим ҳодисаси 17 фоизга, асоратлар эса 22-24 фоизга камайди. Бу — 131 нафар бемор тақдирида кузатилган натижа эди.

—Жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликлар орасида перитонит ўта мураккаб характерга эга. Бемор киши кўричак, ўн икки бармоқли ичак, бачадон ёки қорин бўшлиғидаги бошқа бирор дардни жарроҳлик йўли билан даволатган бўлиши мумкин. Тиғ теккан жой эса тезда битиб кетмай яллиғланади, сўнгра йириглаб, жонга азоб бера бошлайди. Бизнинг 1993 йилдан бери олиб борган тадқиқотларимиз ана шу перитонитларни асоратсиз даволашга хизмат қилади. Айрим беморлар борки, 2-3 марта операция қилинган. Демак, перитонит юзага келган жойга бир хил муолажа тўғри келмайди. Дейлик, ҳавосиз шароитда кўпаядиган микроблар бор. Бундай пайтда озонни қўлладик. Биласизми, ёндашувларимиз ҳар хил, аммо улар бир-бириди ва бир хил мақсад билан боғлиқ: перитонитларда асорат қолдирмаслик. Жами олган патентларимиз 9 тага етди. Энг сўнггисини ўтган йили олдик. Бу менинг номимга расмийлаштирилса-да, айни пайтда илмий раҳбарим Бахтиёр Бобожонов билан ҳамкорлигимиз самарасидир.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор О.Тешаев ўн йиллик илмий изланишлар тафсилотини ҳикоя қилиб берар экан, биз унинг сўнгги — 2002 йилдаги патенти ҳақида сўрадик.

— Бу патентни ҳам аввалгиларининг мантиқий давоми дейиш мумкин. Перитонитларни даволашга бир томонлама ёндашиш самара келтирмаслиги ҳақида гапириб ўтдим. Вена орқали юборилaдиган антибиотикларни жароҳатга бошқача йўл билан ҳам таъсир эттириш мумкинлиги мени ўйлантира бошлади. Артерия ичи давомли терапия усулини таклиф қилдим. Бемор венаси орқали антибиотик юборилганда, аввало юрак, ўпка, жигарга тарқалади, сўнгра перитонитга таъсири бошланади. Артерия ичи давомли терапиясида эса махсус мослама билан бирданига таъсир кўрсатилади. Натижада вақт тежалади, бемор таъсирни илк дақиқаданоқ ҳис қилади. Бу усул 40 дан ортиқ беморда синаб кўрилганда, 88 фоиз кишининг дарддан фориғ бўлиши кузатилди.

...Агар қилаётган иши жамиятга, халққа наф келтираётган бўлса, киши бу ҳақда мамнуният билан сўзлайди. Зеро, у бунга ҳақли. «Умумий жарроҳлик» кафедрасидаги илмий, қолаверса, ҳаётий тадқиқотларнинг олдинги сафида турган ҳамсуҳбатимнинг юз ифодасидан ҳам шу маънони укдим.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ИЛМ АҲЛИ УЧУН



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси "Бюллетень"ининг 5-сони нашрдан чиқди. ОАК масъул ходими Н.Мажидовнинг "Илм-фан равнақи йўлида" сарлавҳали мақоласи журналдаги дастлабки мақола бўлиб, унда ОАК — илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида ташкил этилган ихтисослашган кенгашлар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тизимининг асосий бўғини эканлиги, унинг ихтисослашган кенгашлар фаолиятини қайта кўриб чиққанлиги тўғрисида сўз юритилган. Муаллиф республикамиздаги бир қанча институт ва университетларда ОАК ва ихтисослашган кенгаш аъзолари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишларда ихтисослашган кенгашлар фаолиятидаги камчиликлар, улар олдидаги вазифалар тўғрисида баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтганини қайд этиб ўтади. Айрим диссертацияларнинг талабга жавоб бермаслиги ихтисослашган кенгаш раиси, илмий котиб, оппонентлар масъулияти, семинарлар аҳволи, ҳимоя вақтидаги айрим ҳолатлар танқид остига олинган. Бу борада ОАКнинг ҳозирги фаолияти ва қўяётган талаблари тўғрисида сўз юритилган. Журналда, шунингдек, диссертацияларни дастлабки экспертизадан ўтказиш, турли фанлар бўйича ихтисослашган кенгашларда қилинган базалар тўғрисида маълумотлар, "ОАК бюллетени"нинг 2003 йил 3 ва 4-сонларида эълон қилинган ОАКнинг ихтисослашган кенгашлари рўйхатининг давоми, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарорлари ҳам берилган.

"Диссертация ишларини баҳолаш мезонлари" ОАКнинг 2003 йил 17 октябрдаги 97/5-4-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, диссертация ишининг даражаси, уларга қўйиладиган замон талаблари, вазифалар аниқ кўрсатиб берилган. Бу тадқиқотчилар учун ҳам, ихтисослашган кенгашлар учун ҳам асосий дастур бўлади. Шунингдек, журналда аппеляция комиссияларидан қайтган илмий ишлар, сабаб ва тафсилотлари билан кўрсатиб берилган.

Ахборотномада диссертациялар ҳимоялари тўғрисида эълонлар ҳам ўрин олган.

Н.НАМОЗОВА

ЭСКИ ЎРНИДА ЯНГИ

Qurilish

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига 400 ўринга мўлжалланган 14-ётоқхона тўла қайтадан таъмирланди. Қурилиш-таъмирлаш, асосан, «Бинокорлойиҳа» қурилиш компаниясининг ишчи-хизматчилари томонидан амалга оширилиб, олти ой давомида тугалланди. Натижада ётоқхонанинг ташқи ва ички кўринишлари мафтункор тусга кирди. Ҳар бир хонага шкаф, диван, стул-стол, китоб жавонларининг янгилари қўйилди. Иссиқ ва совуқ сув тармоқлари, табиий газ таъминоти, иситиш қувурлари ҳам батамом янгиланди.

Ижод қилиш ва маълум соҳа билан шуғулланиш учун ҳам барча шароитлар мавжуд, яъни ҳар бир қаватда маънавият-маърифат хоналари очилиб, вақтли матбуот нашрлари билан тўлдирилди. Демак, ёшлар янгиликлардан хабардор бўлиш имкониятига ҳам эга. Жисмоний тарбия ва спорт ҳам эътибордан четда қолмаган. Ётоқхона ёнида спорт майдончаси муҳайё қилиб берилган. Энг асосийси, ётоқхонанинг биринчи қаватида компьютер маркази ҳам ишлаб турибди. Компьютер интернет тармоғига уланган бўлиб, талабалар ундан керакли вақтда фойдаланиши мумкин.

Қисқаси, замонавий ётоқхона киши кўзини қувонтиради. Шу ўринда «Буюмни янгилигидан, орномусни ёшликдан сақла» деган нақл ёдга тушади. Жуда катта маблағ эвазига таъмирланган ётоқхонани, ундаги жиҳозларни кўз қорачиғидек сақлаш, ундан келгусида бошқа талабаларнинг ҳам фойдаланишлари ҳақида қайғуриш лозим.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Faxr

ХОЛИС НИЯТ, КАСБИЙ БУРЧ

Халқимизнинг асрий орзуларидан саналган истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратила бошлади. Бу имконлар илм излашдек машаққатли йўлни танлаган Воҳиджонга ҳам қанот бўлди. У ўқиб, ўз устида тинмай ишлаб, талабалар ўртасида ўтказилган қатор тадбирларда муваффақиятли иштирок этарди. Илмий-амалий конференцияларда у ўз маърузалари билан қатнашиб, домлаларининг назарига тушди. Буни қарангки, Президентимизнинг фармони билан 1995 йил Самарқанд давлат университетининг чет тили факультети алоҳида институтга айлантирилиб, Воҳид шу олий даргоҳнинг биринчи битирувчиларидан бўлди. Унинг иш фаолияти яна бир қувончли воқеа билан боғланиб кетди. Юртбошимизнинг шу йилги фармони билан Навоий давлат кончилик институти ташкил этилди ва Воҳид Бердиёров шу даргоҳнинг биринчи ўқитувчиларидан бўлиб меҳнат қила бошлади. Айни кунда у шу кончилик факультетида мураббийлар кенгашининг раиси, ўзбек ва чет тили кафедраси ассистенти. Шунинг билан бирга Самарқанд давлат университетининг аспирантураси илмий тадқиқотчиси ҳамдир. В.Бердиёров СамДУ профессори Ш.Сафаров раҳбарлигида «Махсус матнда атамаларнинг қўлланиши, рогматик ва номинатив белгилар» мавзусидаги номзодлик ишини якунлаш арафасида. Ўтган йиллар давомида у «Бадиий матнда сўз маъносини ўзгартиришни ўрганиш», «Антропонимларда дессимонтизация ҳодисаси», «Олий таълим тизимида талабалар амалиётини ташкил этишнинг самарали йўллари» каби ўнлаб илмий мақолаларини турли тўпламларда чоп эттирди. Унинг немис тили фани бўйича «Талабалар оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш» мавзусида тайёрлаган қўлланмаси нашр этиш учун топширилган.

— Ниятим, талабаларнинг чет тилларини, хусусан, немис тилини мукаммал ўрганишларига илмий ва амалий жиҳатдан кўмаклашиш, — дейди В.Бердиёров. — Тил — дилнинг калити. Тил билган киши чет эллар ҳаёти, муваффақиятларининг боисини яхши билиши, таҳлил қилиши мумкин. Ёшларимизнинг тил орқали хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиши, шу йўл билан Ватанимиз, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшишларига ёрдам беришни мураббийларнинг бурчи, деб биламан.

Ҳа, холис ният, касбий бурч билан меҳнат қилаётган зиёлилар ҳар бир даргоҳнинг фахридир.

О.ОЧИЛОВА

ONAJONIM, KUCH-G'AYRAT BER SABOTINGDAN

Nurli bo'lib, ziyo bergan o'zing asli,
Erkin bo'lib, dunyo bergan o'zing asli,
Qo'shig'imga jilo bergan o'zing asli,
Sen oshyonim, madad oldim qanotingdan,
Onajonim, kuch-g'ayrat ber sabotingdan.

Orzularning gulxanini yoqdim senda,
Hayrat bo'lib, murg'ak dildan boqdim senda,
Irmoq bo'lib, sho'x shodlanib, oqdim senda.
Oqqushingni bilar edim keng osmonim,
Maktabjonim, unutilmas bir oshyonim.

Onam tutgan tol beshigim tabarrukdir,
Ochiq turgan har eshiging tabarrukdir,
Sen o'rgatgan har qo'shig'ing tabarrukdir,
Omon bo'lgin, yashnab turgin sen har zamon,
Kuychi qizing bo'lay, ona O'zbekiston!

Feruza QURBONOVA,
Denov shahridagi 84-maktab o'quvchisi



VATAN

Oshufta dilimning madori Vatan,
Mahzun bu qalbimning bahori Vatan,
Men senda tug'ildim va
kamol topgum,
Nurli ko'zlarimning sharori Vatan.
Jumlai olam senga erur havasmand,
Beqiyos maskanim, ulug'im Vatan.
Qudrating sanalmish
xalqing donishmand,
Bepoyon diyorim, qutlug'im Vatan.
Sen yurakdan toshgan mangu
tug'yonim,
Olloh inoyati qalbda iymonim,
To hayotman, fido bo'lsin
tanda jonim,
Shuhrating tarannum aylayin, Vatan.

Halima ISMOILOVA,
Kogon shahridagi 6-maktabning
10-sinf o'quvchisi

SAYROQI BULBULIMSAN

Gulshanga chiroy kabi,
Osmondagi oy kabi,
Porlab, yashnagin Vatan.
Xuddi lolazor kabi.

Bobolarim ardoqlab,
Fido qildi jonu tan.
Qaldirg'och nazari bor,
Menga Onajon — Vatan!

Charaqlagan quyoshim,
G'unchasi bor gulimsan.
Ko'kda uchgan lochinim,
Sayroqi bulbulimsan,
Vatan!

Nodirbek MAJIDOV,
Toshkent shahridagi
241-maktab o'quvchisi

SOG'INCH

Ko'nglim chekdi ko'p ozor,
Bo'lib mehringizga zor.
Yuragi alvon dadam,
Ko'rmagan davron dadam.

Siz sig'magan peshona,
Huvillagan koshona,
Yo'lingizga zor dada,
Unutmog'i or dada.

Alamlarni yutarman,
Kelarmi deb kutarman.
Qoshlari kamon dadam,
Ko'rmagan davron dadam.

Bo'ynimdan quching kelib,
Borligingiz his qilay.
Yuragimni ming tilib,
Sizga poyandoz qilay.
Sog'indim sizni dada!

Sayyora BOYMURODOVA,
Kattaqo'rg'on tumanidagi
61-maktab o'quvchisi

UMID QUSHI HAQIDA ERTAK

Bor ekan-u, yo'q ekan
Och ekan-u, to'q ekan.
Xullas, katta o'rmonda,
Bo'lgan ekan bir qushcha.

Har tongda sayrar ekan,
Bir zum ham tinmas ekan.
Hamma uni o'rmonda,
Ko'rar ekan har kunda.

Bir kun ajib o'rmonda
Bo'libdi katta yong'in.
Yonibdi hamma narsa,
Bir kunduzu bir tunda.

Shunda hammaning ko'ngli
Buzilibdi birpasda.
Lekin qushcha o'zini
Tutib sayrabdi asta.

Hamma o'ziga kelib,
Qushning sayrashin ko'rib,
Hammalari bir bo'lib
Uyalishibdi rosa.

Dildora SOATOVA,
Jizzax shahar Yosh ijodkorlar uyi
"Yosh qalamkashlar" to'garagi a'zosi

G'URUR

Dinora odatdagiday bitta-bitta qadam bosib kirib keldi. Yaltiroq sumkasini Oykumushning oldiga tashladi.

— Kumushcha, tarixdan konspektimni to'g'rilab qo'y.

Oykumush sumkaga qo'lini uzatdi. "Yalt" etib menga qaradi. Men undan ko'zimni uzmay turardim. Sekin ko'zimni qisib qo'ydim. Bu "Bo'sh kelma!" degan ma'noni anglatardi.

— Nimaga angrayasan? Hali zamon dars boshlanadi, bo'la qol, qo'zichoq.

— Oling sumkangizni! — Oykumushning ovozi ming'irlabroq chiqdi. U yana menga qaradi. Yana ko'zimni qisdim.

— Ni-ma? — Dinora oydan tushgan odamni ko'rganday Oykumushga qaradi.

— Sumkangizni oling! Xudoyim sizgayam ikki qo'l bergan. Baho kerak bo'lsa, yozing o'zingiz! — Bu gal ovozi dadilroq chiqdi. Yon-atrofdagilar qilayotgan ishlarini qo'yib, ularga o'girilishdi. Men ko'z uchimda "Bo'sh kelma!" degan bir ishorani uzatdim.

— Tiling chiqib qoptimi? Boshimni qotirma, nima hammang, "maymun" o'ynatayapmanmi? Boringlar.

— Tilim bor edi o'zi. O'n oyligimda chiqqan.

Oykumush kutilmaganda Dinoraning sumkasini olib uloqtirdi.

Zo'r! Men kutgandan ham zo'r! Dinora — hech kimga gap bermaydigan mag'rur Dinora angrayib qoldi!

— Ha-a. Qurbaqaniyam hadeb bosaversa "va-aq" deydi, — Ibodatmi, kimdir orqada chinqirdi.

... Siz hech narsani tushunmayapsizmi? Keling, boshidan aytay. Ular mening saboqdoshlarim. Dinora a'lochi, boyvachcha qiz. Oykumush qishloqdan kelgan. Yaxshi o'qiydi. Qo'lidan hamma narsa keladi. Tikadi, pazanda. Hatto, qizlarning sochlarini binoyiday turmaklab qo'yadi. O'qigan ekan-da. Ammo bir aybi — o'zini hammadan past oladi. Ayniqsa, Dinora uning boshiga chiqib olgan.

— Kumushcha, sochimni yig'ib qo'y. Kumushcha, sumkamni tozalab ber! Tugmamni qadab yubor.

U indamay bajaradi. Dinora-ku, olifta. Ammo tuppa-tuzuk qizlar ham Kumushga ish buyurib qolishadi. Juda jahlim chiqadigan bo'lib qoldi bora-bora. Nimaga? Oykumushning aybi nima? Cho'loq, kar bo'lmasa? Kecha uni xoli uchratdim.

— Oykumush, siz hammadan yaxshi qizsiz.

U tushunmay kipriklarini pirpiratdi. Aftidan biror narsa buyurmoqchi deb o'yladi.

— Aytavering, qo'limdan kelsa...

— Hamma narsa qo'lingizdan keladi. Lekin odam o'z qadrini bilishi kerak. G'urur bo'lishi kerak odamda.

Oykumush labini tishlab jim turardi.

— Siz hammaning ishini qilib berdim, deb suyunasiz.

Bu — yaxshi. Ammo asta-sekin birov bir tiyinga olmaydigan bo'lib qoladi.

Ovozim ishonchli chiqardi, o'zimga yoqardi.

— Boshqalar-ku mayli. Kelajakda o'z oilangiz ham hurmat qilmay qo'yadi.

— Yo'g'-ey.

Oykumush bo'zardi. So'ng yig'lab yubordi.

— O'zim... o'zim ham ba'zan o'ksinib ketaman.

— Ha. Endi o'zingizga keldingiz. Muhimi — birinchi qadam. Siz bir marta astoydil "yo'q", deng, ikkinchi gal o'ylanib aytishadi.

... Mana o'sha suhbat oqibati bu. Dinora sumkasini olib joyiga o'tirdi. Hamma endi uni kuzata boshladi.

— O'zimning qo'limga chipqon chiqqani yo'q. Chap qo'limda yozib tashlayman. Fu, shuyam ish bo'ldimi? — dedi u va o'zi sumkasini ochdi. Rangi oqarib ketgan edi... Oykumush menga qaradi. Labi jilmayardi, ko'zlari yaltirab ko'rindi. G'urur chiroyli tuyg'u-da!

Muyassar HAYDAROVA,
Toshkent yuridik kolleji talabasi

BO'Z MADHI

Andijonning porloq bag'rida,
Shahrixonning shundoq g'arbida,
Umidaning uyg'oq qalbida,
Go'zal Bo'z bor, misoli jannat.

Dehqonlari ishiga usta,
Yelkalari uzra farishta,
Bog'u rog'i doim sarishta,
Go'zal Bo'z bor, misoli jannat.

Ahli Bobur Mirzoga monand,
Yurakdagi tog'lari baland.
Vataniga jon-dili payvand,
Go'zal Bo'z bor, misoli jannat.

Andijonga oltin darvoza,
Nomi barcha elda ovoza,
Ko'hi-Qofdan olgan andoza,
Go'zal Bo'z bor, misoli jannat.

Umidaxon FAZLIDDINOVA,
Bo'z tumanidagi 18-maktab o'quvchisi

XAYR, MAKTAB!

Mana bugun dilda hayajon,
Qalb shodlikka to'lgan limmo-lim.
Ko'zimdadir quvnoq yoshlarim
Xayr, endi qadrdon do'stim.

Ko'rib olay shoshmagin o'rtoq,
Qaytib kelsa, yoshligim quvnoq.
Sen ham menga to'yib-to'yib boq,
Xayrlashib qolaman o'rtoq.

Maftuna HALIMOVA,
Koson tumanidagi 15-maktabning
5-sinf o'quvchisi

OTAJON

Otajon, qaydasiz, mehringiz izlab,
Butun yer yuzidan topolmaganman.
Kaftingizga qo'lim qo'yib bir zum,
To'yib yuzingizga qarolmaganman.

Qo'llarim duoga ochilganida,
Qalb gavharim yo'lingizga sochilganida,
Mehringiz daryosi yopilganida,
Hali go'dak edim, yosh va go'l edim.

Tushimda dedingiz: bo'lgaydir madad,
Ollohdan so'ragin, mehr-muhabbat.

Rohila QURBONNAZAROVA,
Muzrabot tumanidagi
22-maktab o'quvchisi

XAZON BO'LMASIN

Totuvlik — bu baxtli hayot mazmuni,
Unda ham bo'ladi o'zgacha mezon.
Lekin g'animatdir insonning umri,
Hech kimning umri yosh bo'lmasin xazon.

Barchasidan yomon o'limning zahri,
O'limning nafasi har nedan yomon.
Har kimga tushsinu xudoning mehri,
Hech kimning umri yosh bo'lmasin xazon.

Inson bo'lolmagan dunyoga ustun —
Bu barchaga ma'lum, ey ahli zamon
Birov ko'ngli yarim, birniki butun
Hech kimning umri yosh bo'lmasin xazon.

Umr oqar suvdir, aniq, beshubha
Umr — goh fitnakor, gohi farog'on.
Fursatni tejangiz, g'animat lahza,
Hech kimning umri yosh bo'lmasin xazon.

Dilshod SA'DULLAYEV,
Forish tumanidagi
79-ixtisoslashgan maktab o'quvchisi

«Bolalar bizni o'z ota-onasidek mehr qo'yib sevsagina bizga ishonadilar».

БИОЛОГИЯ ФАНИ ЖОНКУЯРИ

Сайдолим Орифхўжаев номини республикамизда кўпчилик яхши билади. Унинг шу даврга қадар "Маърифат" ва республиканинг бошқа нашрларидан ташқари кўплаб вилоят газеталарида, "Халқ таълими" ва Москвада чиқадиган "Биология в школе" журналида республикамизда биология фанининг ўқитилишига оид ҳамда илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ҳақида кўплаб мақолалари чоп этилган.

Сайдолим ака билан суҳбат қилар эканман, шуни айтишим керакки, у киши маориф иши учун қайғурадиган инсон сифатида гавдаланади. Республикамизда илғор ва тажрибаси ўрганишга лойиқ биология ўқитувчилари ҳақида гап борганда Сайдолим Орифхўжаев мамнуният билан ўз иш фаолияти давомида 50 дан ортиқ республикамиздаги илғор биология ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганишга улгурганини эслайди.

Ҳар кимнинг ҳам ёшликда кўнгил қўйган касби бўлади. Сайдолим ака Тошкентдаги 22-мактабда ўқиб юрганида биология фани ўқитувчиси Қутбиддин Илёсовнинг дарслари ўз жозибаси билан уни мафтун этарди. Шу боис у 1954 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг табиётгеография факультетига ўқишга кирди.

Педагогик фаолиятини у 1959 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги Фурқат номидаги 5-ўрта мактабда илмий бўлим мудири ва биология фани ўқитувчиси сифатида бошлади. Ўқитувчи ўқувчиларга сабоқ берар экан, ўзи ҳам бир вақтда илм излаб мактабнинг тажрибали биология ўқитувчиси Малки Абаевга шогирд тушди. С.Орифхўжаев изланишларини давом эттириб, кейинчалик йўлланма билан Тошкент давлат университетига келиб ишлади. Сўнг шаҳардаги 3-мактаб-интернатда биологиядан дарс берди.

Ишчан, билимдон ўқитувчи дарров эл назарига тушди. Уни дастлаб Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтига таклиф этишди. Кейинчалик республика Халқ таълими вазирлигининг ўқув-методика кабинетига методчи вазифасига келди.

У киши юздан ортиқ мақолалар, "Буюк биолог олимлар" ва бир неча тест саволтопшириқлари қўлланмалари ҳамда 5—6-синфлар учун кўргазма қурол жадвалининг муаллифларидан биридир.

Ўқитувчи мана, саккиз йилдан буён кимё-биология фанларидан ташкил этиладиган иқтидорли ўқувчиларнинг "Ёзги мактаби"ни қатор вилоятларда ўтказиб келмоқда. Эътиборлиси, ёзги мактабда ўқитувчидан сабоқ олган ўқувчилар орасида республика ва халқаро фан олимпиадаларига қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчилари кўп.

С.Орифхўжаев "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Методист ўқитувчи" ва жорий йилда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан давлатимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" юксак унвони билан тақдирланди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

ПСИХОЛОГЛАР «ЁШУЛЛИ»СИ

Психология кириб бормаган, мурожаат қилинмаган соҳанинг ўзи йўқ. У инсонни, борлиқни, қолаверса, бутун дунёни ўрганади. Ўзбекистонда ҳам психология фани бўйича етук олимлар бор. Улар баҳоли қудрат хилма-хил йўналишларга асосланган тадқиқотларни олиб боришмоқда. Шулардан бири Низомий номидаги ТДПУ профессори М.Давлетшин бўлиб, у киши психологлар орасида ёши энг улуғидир.

Ҳар бир фан олий таълим муассасасида кафедра тизимида ривожлантирилади. Хусусан, М.Давлетшиннинг университет "Психология" кафедрасидаги узоқ йиллик фаолиятидан шогирдлари ҳам ибрат олганини таъкидлаб ўтиш ўринли. 1968—2002 йиллар... 34 йиллик давр, айтишга осон. Бир кишининг ярим умри ёки энг баркамол даврдаги шахс ёши. Бу йиллар орасида, аниқроғи, 1971 йилда кафедра мудири "Ўқувчиларнинг техник қобилияти психологияси" мавзуси устида докторлик ишини ҳимоя қилди. Ҳали республикамиз миқёсида ҳеч ким бу мавзуга қўл урмаганлиги боис тадқиқот катта аҳамиятга эга бўлди. Шу мавзу бўйича тайёрланган монографияда олим техник қобилиятнинг тузилиши ва уни таълим жараёнлан боғлиқ ҳолда шакллантиришни кўрсатиб берди.

Профессор М.Давлетшин меҳнат таълими ва касбга йўллаш, техник қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиришнинг психологик хусусиятларига, республикамиздаги педагогика олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича муттасил шуғулланиб келади. Сўнгги йилларда олимнинг ташаббуси билан мактабларда, ўрта махсус ўқув юртларида психология фанини ўқитиш сифатини кўтариш, психологик хизматни ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Етук мутахассис томонидан умумтаълим мактабларида психологик хизматни ташкил қилиш тузилмаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида психология фанини ўқитиш бўйича дастур тузган муаллиф ҳам М.Давлетшиндир.

Олим Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашларини ўрганиш масаласига ёндашар экан, бу фанни ўқитишда ана шу бой меросдан оқилона фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. Чиндан ҳам узлуксиз таълим тизимида психология фанини ўқитиш, ўқувчи-ёшларни мукаммал шахс қилиб етиштиришда ана шу фан ютуқларига таяниш муҳим аҳамият касб этади. Фан бўйича аждодларимиз қолдирган илмий манбалар, қолаверса, дунё олимлари томонидан яратилган адабиётлар ҳам етарли.

Устоз томонидан яратилган илмий ишлар сони 235 тадан ошган. У киши 1991—99 йиллар мобайнида университет қошидаги психология фанлари бўйича номзодлик илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгаш раиси бўлди. Бу йиллар орасида етук психолог 42 кишининг илмий ишларига раҳбарлик қилган бўлса, 3 кишининг докторлик ҳимоясида маслаҳатчилик вазифасини ўтади.

Психология-педагогика фанларини ривожлантириш ва педагогик кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун М.Давлетшинга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони берилди. Бундан ташқари, олим "Шуҳрат" медали, яна бир қанча фахрий нишонларга ҳам эга.

Э.САТТОРОВ,
психология фанлари номзоди, доцент

Ta'lim fidoiylari

СИЗГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ

Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг таърифини келтиришга баъзан тил ҳам ожизлик қилади. Камтар, камсуқум, меҳрибон, ҳар бир нарсага эътибор билан қарайдиган талабчан. Ҳа, Шаҳри опа ана шундай устоз, мураббийдир. У киши Тошкент давлат дорилфунунининг хорижий тиллар факультетини 1979 йилда тугатиб, пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 121-сонли болалар боғчасида мураббий бўлиб иш бошлаган. Кейинчалик 1986 йилда тумандаги 3-ўрта мактабда инглиз тилидан болаларга сабоқ берди. Мен бу инсонни 1987 йилдан бери яхши дўст, яқин маслаҳатчи, талабчан устоз, меҳрибон она сифатида яхши биламан. Йиллар тўзонига бардош бериб, турмуш ўртоқларининг вафотидан кейин 3 ўғилга ҳам она, ҳам ота бўлиб тарбия берди. Ҳам иш, ҳам оила ташвиши, яна фарзанд тарбияси ва турли қийинчиликлар Шаҳри опанинг қаддини бука олмади, иродасини синдира олмади. Шу йиллар давомида қанча-қанча шогирдлар етиштирди.

Шаҳри Дарҳанбаева педагоглик фаолиятида жуда кўплаб ранг-баранг дарс услубларини ишлаб чиқди. Ёш педагогларга мураббийлик қилди. Жамоа орасида ҳам, туманда ҳам обрў-эътибор қозонди. Шаҳри опани излаганлар уларни фақат ўқувчилар орасидан, педагогларга янги семинар дарслар кўрсатаётганда ёки янги режалар устида ишлаётган пайтида топади. Тиним билмай меҳнат қиладиган бу инсон узоқ йиллар туман халқ таълими бўлимида инглиз тили услуб бирлашма ишларини йўлга қўйди. Фан олимпиадаларида ўқувчилари фахрли ўринлар олиб келди.

Ўқувчиларининг кўпчилиги пойтахтимиздаги кўплаб олийгоҳ талабаларига айланди.

"Сиз дарсга кирганингизда ўз олдингизга қандай мақсад қўясиз?" деган саволимизга Шаҳри опа ҳеч иккиланмай:

— Мен, аввало, ўқувчиларга инсон, деб қарайман, уларнинг дунёқарашини, руҳиятини ҳисобга оламан. Уларнинг қалбида инсонийлик фазилатларини, ватанпарварликни тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Устознинг ўқувчига берадиган таълими ва тарбиясини алоҳида чегара билан кўрсатиб бериш жуда қийин. Болалар бизни ўз ота-онасидек меҳр қўйиб севсагина бизга ишонадилар, — деб жавоб берди. У кишининг узоқ йиллик самарали меҳнатлари Тошкент шаҳар ХТББ томонидан муносиб тақдирланди. У 1997 йилда "Халқ таълими аълочиси" нишони соҳиби бўлди.

Бугунги кунда Шаҳри опа Сирғали туманидаги 8-ўрта мактабда ўқув тарбия ишлари бўйича директор муовини, катта жамоанинг мураббийси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

З.НИЁЗОВА,
РТМ услубчиси

Dunyo mamlakatlari

БРАЗИЛИЯ

Футбол бўйича ўтадиган жаҳон чемпионатларининг финал босқичини Бразилия терма жамоаси иштирокисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Айниқса, футбол қироли Пеле номи тилга олинганда дарров Бразилия давлати кўз олдимизда гавдаланади. Яхшиси, бу ҳақда гаплашмайлик-да, бугунги Бразилия давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига тўхталайлик.

Бразилия Федератив Республикаси (Republica Feolerativa do Brazil) — Жанубий Америкадаги энг катта давлат бўлиб, қитъанинг шарқий ва марказий қисмларида ва Атлантика океани соҳилида жойлашган. Бразилия — дунёнинг табиий ресурсларга энг бой мамлакатларидан бири. Бу ерда 50 га яқин минерал хом ашё тури, айниқса, руда хом ашёлари қазиб олинади. Унинг ҳудуди 8,5 млн км². ***Энг катта шаҳарлари — Сан-Паулуда 10,3 миллион, Рио-де-Жанейрода 5,5 миллион, Белу-Оризонтида 2,1 миллион, Салвадорда 1,8 миллион, Фортарезада 1,5 миллион аҳоли истиқомат қилади.***

Бразилия Федератив Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган, 1993 йил 30 апрелда эса иккала давлат дипломатик муносабатларни ўрнатган. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга ва бунинг учун шартномавий-ҳуқуқий негиз яратишга киришилди. Ўзбекистоннинг Бразилия билан 1996 йилдаги товар айланмаси 7,16 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1997 йил якуни бўйича Ўзбекистон Бразилия товар айланмаси 16,75 миллион АҚШ долларига етди ва аввалгидек товар айланмаси ҳажмининг деярли ҳаммаси импортдан иборат бўлди. Унинг 93,8 фоизини мойли уруғлар ва мевалар, 6,2 фоизини тамаки ташкил қилган.

Бразилиянинг амалдаги конституцияси 1988 йил 5 октябрда қабул қилинган. 1994 йил март ва 1997 йил июнда тузатиш киритилган. Давлат бошлиғи президент. Президент билан вице президент аҳоли томонидан тўғридан, тўғри ва яширин овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайланади. Президент кетма-кет иккинчи муддатгача сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият — миллий конгресс (парламент). Парламент икки палата: депутатлар палатаси ва федерал сенатдан иборат. Ижроия ҳокимиятни президент ва у тузган ҳукумат амалга оширади.

Бразилияда бир қанча партиялар фаолият кўрсатади. Бразилия тараққийпарвар партияси 1995 йилда бир неча ислоҳотчи партияларнинг бирлашуви натижасида тузилган, Бразилия демократик ҳаракат партияси 1981 йилда тузилган, Бразилия социал-демократик партиясига 1988 йилда асос солинган. Либерал фронт партияси 1984 йилда собиқ социал-демократик партия аъзоларидан тузилган. Булардан ташқари бир қанча партиялар фаолият юритади.

Ҳозирда Бразилиянинг умумий аҳолиси 178,4 миллион кишидан ошади. Бразилия аҳолисининг асосий қисми (95 фоиздан кўпроғи) бразиллар. Бразилияда Европа ва Осиё мамлакатларидан келган бир неча миллион киши, жумладан, немислар, итальянлар, португалияликлар, японлар, испанлар, поляклар, сурияликлар ҳам яшайди. Туб жой халқи — индейслар кўплаб қириб юборилган, бир қисми бошқа халқлар билан қоришиб кетган.

Бу давлат аҳолисининг сонига кўра жаҳон мамлакатлари бешлигига киради. Унинг аҳолиси йилига 3 миллион кишига ўсмоқда. Ҳозирда Бразилия — ривожланаётган мамлакатларнинг энг етакчи вакилларидан биридир. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса дунё мамлакатларининг ўнлигида.

Бразилия йилига 1 миллиондан ортиқ автомобил ишлаб чиқаради. Бу автомобиллар шакар қамишдан олинадиган этил спирти билан ишлашга мослаштирилган. Мини ва микрокомпьютерлар ишлаб чиқариш бўйича у фақат АҚШ, Япония ва Германия давлатларидан кейин туради. Бошқа ишлаб чиқариш соҳалари ҳам ривожланмоқда. Йирик ҳарбий саноат барпо этилган. Дунёдаги энг катта ГЭСлар ҳам Бразилияда қурилган. Булардан ташқари Бразилия кофе, шакарқамиш, банан етиштиришда дунёда биринчиликни сақлаб турибди, соя ва апельсиннинг ялпи ҳосили бўйича эса фақат АҚШ дан кейинда туради.

Эни 300-350 км.ли океан бўйи полосасида Бразилия аҳолиси ва ишлаб чиқаришининг ўндан тўққиз қисми тўпланган. Мамлакатнинг ички қисмлари эса суст ўзлаштирилган ва уларда аҳоли ниҳоятда сийрак тарқалган. Рио-де-Жанейро районида аҳолининг зичлиги Амозониядагидан 800 баравар каттадир.

Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу ва Белу-Оризонти шаҳарлари орасидаги район Бразилиянинг "индустриал учбурчаги" деб аталади. Бунда учбурчакнинг ҳар бир бурчаги ўз ихтисослашувига ва ўз қиёфасига эгадир.

Узоқ йиллар давомида Бразилиянинг пойтахти ҳисобланган Рио-де-Жанейро шаҳри йирик порт ва туризм шаҳари бўлиб қолди. Бироқ 1966 йилда пойтахтнинг бошқа шаҳарга кўчирилиши ва Сан-Паулу билан рақобатнинг кучайиши натижасида унинг мавқеи бироз пасайган. Шундай бўлса-да, Рио-де-Жанейро дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланади. У кенг Гуанбора қўлтиғи қирғоғида жойлашган. Бу қўлтиқ бўйлаб уй-жой ва маъмурий кварталлар жойлашган. Дунёга машҳур Копакабан пляжи ҳам шу ерда. Шаҳар узра Исонинг 40 метрли ҳайкали юксакка бўй чўзган. Рио (Бразилияда шаҳарни одатда қисқача шундай деб аташади.) католиклар рўзасидан олдин тўрт куну беш кеча давом этадиган карнаваллари, дунёдаги энг катта "Маракана" футбол майдони билан шуҳрат қозонган. Бу шаҳар айни вақтда кескин ижтимоий тафовутлар шаҳридир. Қашшоқларнинг кварталларида юз минглаб камбағаллар яшайдилар.

Сан-Паулу ҳам — Бразилиянинг энг йирик шаҳарларидан ва "иқтисодий пойтахт"идир. Уни бутун Бразилия иқтисодиёти юкини тортиб юрувчи локомотив (поезд) деб атайдилар. Сан-Паулуда "осмонўпар бинолар" кўп бўлганлиги учун уни Лотин Америкасининг Нью-Йорки дейишади. Бир-бирига яқин жойлашган йигирма ўттиз, эллик қаватли бинолар кишини ўзига жалб қилади.

Бразилиянинг пойтахти 1966 йилда янги қурилган Бразилиа шаҳрига кўчирилди. Бу бошқа пойтахт шаҳарлар (Канберра, Бонн, Вашингтон, Исломобод) каби фақат маъмурий пойтахт бўлиб, саноат корхоналари деярли йўқ. Фақат озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналаригина ишлаб турибди. Бразилиада Президент қароргоҳи ва концеляриясы, Миллий конгресс ва Олий суд, вазирликлар каби ҳукумат муассасалари жойлашган. Шаҳар 1957 йилдан қурила бошланган. Шаҳар қиёфаси самолёт шаклида лойиҳалаштирилган. Бу лойиҳа меъмор Л.Коста томонидан ишланган. Уч ҳокимлик майдонида маъмурий ва жамоат бинолари жойлашган.

Бразилия саноатлашган аграр мамлакат. Иқтисодий салоҳияти ва табиий заҳиралари жиҳатидан Лотин Америкасида етакчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 30,3 %, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик 10,8 % ни ташкил этади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бразилия иқтисодиётида саноатни ривожлантириш ва умуман хўжалигини индустрия асосида тараққий эттириш йўлида олдинга қараб силжишлар бўлди. Олтмишинчи йиллардан бошлаб миллий маҳсулотда саноатнинг улуши қишлоқ хўжалигидан ошиб кетди. Мамлакат майдонининг 3,54% га яқинида деҳқончилик қилинади. Асосан Атлантика океани соҳили ва жанубий шарқий штатларда экинлар экилади.



Бразилияда аҳолига тиббий ёрдамни хусусий шифокорлар кўрсатади. Шифокорларни мамлакат олий ўқув юртларидаги тиббиёт факультетлари тайёрлайди.

Бразилияда расман 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий бепул бошланғич таълим жорий қилинган. Болалар шаҳарлардаги 4-5 йиллик ва қишлоқлардаги 3 йиллик бошланғич мактабларда таълим оладилар. Булардан ташқари, тўлиқсиз мактаб-гимназиялар, тўлиқ ўрта мактаб-коллежлар, ҳунар ва педагогик мактаблари ҳам бор. Олий ўқув юртларида пул тўлаб ўқиш мумкин. Бразилияда 70 га яқин университет, 740 дан ортиқ бошқа олий ўқув юртлари бор. Рио-де Жанейродаги Бразилия ва Сан-Паулу университетлари уларнинг энг йирикларидир. Илмий муассасалари: Бразилия фанлар академияси, Миллий тиббиёт академиясидир. Миллий кутубхона, Португалия қироллик қироатхонаси (Рио-де-Жанейро) ва Муниципал кутубхоналари— кутубхоналарнинг энг йирикларидир.

Бразилияда 300 га яқин газета ва журналлар нашр этилади. Асосий газета ва журналлари: "Газета меркантил" ("Савдо-сотиқ газетаси", Сан-Паулуда чиқадиган кундалик иқтисодий газета, 1920 йилдан), "Диа", ("Кун", Рио-де-Жанейрода чиқадиган кундалик газета, 1951 йилдан), "Диариу ди Сан-Паулу" ("Сан-Паулу" газетаси, кундалик газета, 1925 йилдан), "Жорнал ду Бразил" ("Бразилия газетаси", кундалик газета, 1891 йилдан), "Жорнал ду комерсиу" ("Тижорат газетаси", Рио-де-Жанейрода чиқадиган кундалик газета, 1827 йилдан), "Лэтин Америка дейли пост" ("Лотин Америкасининг кундалик почтаси", Сан-Паулуда инглиз тилида чиқадиган кундалик газета, 1979 йилдан), "Фолья ди Сан-Паулу", ("Сан-Паулу варақаси", кундалик газета, 1921 йилдан), "Глобу" ("Ер курраси", кундалик кечки газета, 1925 йилдан), "Вежа" ("Кўринг", ҳафталик оммавий сиёсий журнал, 1968 йилдан), "Визан" ("Савия", ҳафталик оммавий сиёсий журнал, 1952 йилдан) ва бошқалар нашр этилади. Эмпреза Бразилейра ди Комуникасан, СА (Радиубраз) ахборот хизмати 1988 йилда ҳукумат ахборот агентлиги билан давлат радиоэшиттириш корпорациясининг бирлашуви натижасида ташкил этилган. Мамлакат президентининг фуқаро девони томонидан назорат қилинади.

Радиоэшиттириш ва телекўрсатувни асосан хусусий студиялар амалга оширади, уларни миллий алоқа департаменти назорат қилади. Бразилия радио ва телевизион студиялар уюшмаси 1962 йилда тузилган.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

ИРОҚДА ИККИ СОБИҚ ГЕНЕРАЛ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ироқнинг Фалужжа шаҳрида Саддам Ҳусайн армиясининг икки генерали ушланди. АҚШ ҳарбийлари ҳозирча бу шахсларнинг исм-шарифларини сир сақлашмоқда. АҚШ зобитининг гапларига қараганда, собиқ генераллар Ироқда қўпорувчилик ҳаракатларини тузишга, АҚШ ҳарбийларига қаршилик кўрсатишга бошчилик қилишган. Эндиликда АҚШ қўмондонлиги бу шахслар орқали бошқа қаршилик кўрсатаётган кучларни аниқлаш ниятидалар, деб хабар беради «ВВС» ахборот агентлиги.

ЖОРЖ БУШ ЯНГИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

АҚШ президенти Жорж Буш куни кеча мамлакатда аборт қилишни чеклаш ҳақидаги қонунга қўл қўйди. Янги қонунга кўра, Америка Қўшма Штатларида яшайдиган аёллар фақатгина ҳомиладорликнинг дастлабки вақтида, яъни она қорнидаги боланинг мия ҳужайралари ривожланмаган вақтдагина аборт қилдиришлари мумкин. Жорж Буш: «Айбсиз болаларнинг ўлдирилиши инсонийликка тўғри келмайди», деб таъкидлаб ўтди.

Кўплаб мунозараларга сабаб бўлган ушбу қонун АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинди. Янги қонунга қарши чиқаётган баъзи бир сиёсатчилар, бундай қонунлар аёллар ҳуқуқларини поймол қилишини айтиб ўтишмоқда. Умуман олганда, АҚШда абортлар сони аста-секин камайиб бормоқда. АҚШ соғлиқни сақлаш марказининг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирда 1000 аёлдан 21,4 фоизи аборт қилиш учун тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишган. 1990 йилларда эса бу рақамлар 27,4 фоизни ташкил қилган, деб хабар беради «Рейтер» ахборот агентлиги.

ШВЕЙЦАРИЯДА КАТТА АВТОҲАЛОКАТ

Швейцария давлатининг Нидербип шаҳарчаси ёнидаги катта магистрал йўлда автоҳалокат рўй берди. Қуюқ туман натижасида автоуловлар катта тезликда бир-бирларига урилиб кетган. Автоҳалокат оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва 90 киши тан жароҳати олган. 60 га яқин автоуловга шикаст етган. Кўплаб ҳайдовчилар оғир аҳволда шифохоналарга олиб кетилган. Воқеа жойида 30 га яқин «тез ёрдам» автоуловлари қутқариш ишларида қатнашмоқда, деб хабар беради «ВВС» ахборот агентлиги.

Интернет хабарлари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Shekspir sonetlaridagi badiiylik, Bayron misralaridagi ko'ngilga xush yoqadigan jilolar, Mor va Byorns she'rlaridagi beg'ubor tuyg'ular shoirani tarjimaga qo'l urishga undadi.

ПИРАМИДАНИНГ ТЎККИЗ ПОҒОНАСИГА АСОСЛАНГАН

Болаларни бир хил ўқув режасида ўқитиш қобилиятли болаларнинг эҳтиёжларини қондирмайди, қобилиятсиз болаларни эса қийнаб қўяди.

Масору ИБАКА

Мустақилликдан сўнг янги педагогик технология асосида дарслар ўтказиш, янги дарс усулларидан самарали фойдаланиш учун эҳтиёж туғилди. Умумтаълим мактаблари ва академик лицей ҳамда коллежлар учун янги дарсликлар чоп этила бошланди. Жумладан, А.Нурмонов, А.Сомуаллифларидан бири Шоҳидахон Юсупованинг «Ўқитувчи китоби» академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг она тили фани ўқитувчиларига мўлжалланган. Мазкур китобдаги ноанъанавий топшириқлар, «Боғловчибек» эртаги, ибратли матнлар, дарс ишланмалари эътиборни тортади. Унда махсус босқич бўйича назария, амалиёт ва методикага доир материаллар баён қилинган.



Академик лицейларда тил ўқитишни такомиллаштиришга имкон берадиган асосий манбалардан бири — ўқитувчининг илмий-назарий билимлари савиясидир. Шу сабабли ушбу қўлланмада ўқитувчиларнинг билиши зарур бўлган назарий ва методик масалалар содда тилда ёритиб берилган. Дарслик ва «Ўқитувчи китоби»даги материаллар бир-бирини тўлдиради ҳамда биргаликда ўқитувчи ва ўқувчига бой материал етказишда ёрдам беради. Шунингдек, ўқитувчиларга мазмунли дарс ўтишда, ёш мураббийларга эса дарс режасини ёзишда, ишларни режали, қизиқарли, изчил олиб боришида қулай воситадир.

Тафаккурни ривожлантиришга, шунингдек, нутқ ўстиришга қаратилган ушбу қўлланмада ўқитувчи ва талабанинг ижодкорлик имкониятларини ишга солиш талаб этилган.

Қўлланмада давлат талабларини бажаришда амалий жиҳатдан қулай бўлган ўқитиш механизмини яратиш ва жорий қилиш ҳозирги долзарб вазифалардан бири эканлиги уқтирилган. Ш.Юсупова грамматик билимларни тушунтиришда ноанъанавийликдан фойдаланиш зарурлиги кутилган натижага олиб келишини амалиётда исботлаб берди. Китобнинг аввалида эса ДТСга мос келувчи дастур берилган бўлиб, унинг моҳияти изчил равишда кўрсатилган.

«Ўқитувчи китоби»даги ҳар бир дарс мавжуд дарсликлардан фарқли ўлароқ, алоҳида шаклга эга бўлиб, чет эл технологияси асосида ёзилган ва 9 хил шартли белгилар билан берилган.

Академик лицейлар учун ёзилган ушбу қўлланманинг мақсади — ўқувчиларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, тафаккурини ривожлантиришдир. Дарслик пирамида(асоси тўртбурчак, ён ёқлари умумий учда жойлашган учбурчаклардан иборат геометрик шакл) шаклига асосланган ҳолда поғоналар орқали берилган:

1. Дарс мақсади.
2. Дарс режаси.
3. Топшириқлар.
4. Асосий мавзулар.
5. Савол ва топшириқлар.
6. Амалий машқлар.
7. Тест топшириқлари.
8. Таянч тушунчалар.
9. Матнни ўқитиш технологияси.

Пирамида шаклидаги ушбу қисмлар бўйича савол ва топшириқлар, амалий машқлар, тест топшириқлари, матн тузиш технологияларини қандай олиб бориш йўл-йўриқлари ижодий таҳлил қилиб берилган.

Унда кўрсатилишича, берилган мавзуларни ўқувчиларнинг ўзлари ўзлаштирадилар, уларга тайёр билим бериш билан биргаликда мантиқий хулоса чиқариш вазифаси ҳам юклатилади.

Муаллифнинг яна бир мақсади, дарсда ўқувчини билим олиш йўлида ишлата билишлик ҳисобланади.

Қўлланмада «Педагогик технология» бўлими мавжуд бўлиб, унинг тил ўқитишдаги аҳамияти интерфаол усуллар орқали ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Янги аср авлоди» (2003 йил) нашриёти томонидан чоп этилган ушбу китоб «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг моҳиятини англашда, она тили дарсларини инновацион технологиялар асосида олиб боришда ўқитувчи ва талабаларга кўмак бўлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси



"МИТТИ ШАМЧИРОҚ"ДА УЛКАН ТУЙҒУЛАР

Адабиёт бўстонига эндигина кириб келаётган Гулноза Одилованинг илк шеърий тўплами — "Митти шамчироқ" китоби нашр этилди.

Аввало, шамчироқ ҳақида. Она ўз фарзандига алла айтиб, неча-неча тунларни бедор ўтказаркан, унга, албатта, шамчироқ ҳамроҳ бўлади. У онанинг айтаётган алласига ҳамоҳанг тебраниб-тебраниб ёнади. Шундан бўлса керак, тебраниб ёниш шамга одат бўлиб қолган. Унинг тебраниб ёнишидан илҳомланган шоиру шоиралар ҳам неча-неча тунларни бедор ўтказиб, қоғоз қоралайдилар. Юқорида тилга олинган тўплам ҳам ана шундай бедор тунлар маҳсулидир. Навоий номидаги стипендия соҳибаси, Қарши давлат университети хорижий тиллар факультети инглиз тили бўлими талабаси Гулноза Одилова таҳсил олиш билан биргаликда ижод қилишни тўхтатгани йўқ. Чунки унинг қалбидаги нозик ҳиссиётлар ором олишга қўймайди.

"Адабиёт шундай бўстонки, унга ҳар қандай гул, ҳар қандай нафосат ярашади. Ёш ижодкор синглим Гулнозанинг шеърларини ўқиб, шеърият чаманида яна бир гул очилганини сездим. Унинг шеърий машқларидаги ўзига хос ифор, қалбидаги қайноқлик, мисраларидаги аниқлик ва қуйма равонлик, туйғуларидаги саркашлик ҳар бир ўқувчини беэътибор қолдирмаслиги аниқ. Мен Гулноза Одилованинг катта ғайрат ва шижоат билан адабиёт бўстонида барқ уришини истардим". Бу Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Гуландом Тоғаеванинг ёш шоира ҳақидаги фикрлари эди.

Дарҳақиқат, нозик дид ва оташ қалб ила нафис ишлов берилган ёрқин мисраларни ўқир экансиз, ички оламингиз нурафшон туйғулардан ёришиб кетгандек бўлади. Тўпламдан жой олган "Ватан", "Шарқ гўзали", "Баҳор", "Сўнгги қўнғироқ", "Армон", "Бардош", "Ҳаёт бозорида" каби шеърлар ва тўртликларда шоиранинг ватанга муҳаббатини, болалик ва баҳор ҳавосидан нафас олиб, илҳомланганлигини сезасиз. Шунингдек, болалик манзараларини акс эттирувчи туркум шеърлари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Шоиранинг жаҳон адабиётига бўлган қизиқиши натижасида ушбу дурдоналарнинг гўзал таржималари самимий чиққанлигига амин бўласиз. Шекспир сонетларидаги бадиийлик, Байрон мисраларидаги кўнгилга хуш ёқадиган жилолар, Мор ва Бёрнс шеърларидаги беғубор туйғулар шоирани таржимага қўл уришга ундади.

Ушбу "Митти шамчироқ" тўплами "Насаф" нашриёти томонидан чоп этилган. Тўпламга шоир Амир Худойберди муҳаррирлик қилган.

Акмал ИСЛОМОВ

МУТОЛАА – МАЗМУНЛИ ЛАҲЗА

"Синфдош" журнали деярли беш йилдирки, айни пайтдаги-ю, собиқ синфдошларни бир-бирига янада содиқ бўлишга ундаб келаётир. Журналнинг навбатдаги 4-сонини ўқиган синфдошлар бунга амин бўлишади, албатта. Чунки унда кимдир айни пайтдаги синфдоши, яна кимдир собиқ синфдошининг мактаб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ўқийди, бунга ўз муносабатини билдиради ёки турли кайфиятда хотирлайди. Хусусан, журналнинг мазкур сонида Бухоро вилояти Жондор туманидаги 46-мактаб ўқувчиси Фотиманинг дарс жараёнида Зуҳраси туфайли ўқитувчисидан дакки эшитгани-ю, самарқандлик Нигоранинг синфдошлари қандай қилиб кузда бошланадиган дарслардан ёз ойларидаёқ "аъло" баҳолар олиб бўлгани муштарийни қизиқтириши табиий. Айниқса, журналдаги "Болалар спорти фақат пулликми?" сарлавҳали мақолада келтирилган маълумотлару ўқувчилар ва ота-оналарнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари мутолаасеварларни бефарқ қолдирмайди. Шеъриятга ошно ўқувчиларнинг шеърий машқлари ҳам ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. "Синфдош"нинг бу галги меҳмони— Ўзбекистон халқ артисти, биринчи шум бола— Хайрулла Саъдиевнинг болалик даври, мактаб, синфдошлари тўғрисида билгингиз келса, журналнинг ушбу сонини ўқинг. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча синфдошлар журналининг "Мактабда муҳаббат", "Ота-оналар бурчаги", "Эътиқод сабоқлари", "Муҳокама", "Ҳарбий таълим дарси", "Ўзингни синаб кўр", "Танишмоқчиман" ва "Авто-олам" рукнларидаги битиклар ҳам ҳар доимгидек синфдошларни мулоҳаза-ю, қўлга қалам олишга ундайди.



Хуллас. "Синфдош"ни ўқинг. Уни ўқишга ажратган вақтингизга ачинмайсиз. Чунки у сизга мазмунли лаҳзалар ҳадя этади.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Юртимизда таълим соҳасида кечаётган ўзгаришлар, кадрлар малакасини оширишга қўйилаётган талаблар, ва узлуксиз малака ошириш заруратидан келиб чиқиб, барча фан соҳаларида янги-янги дарсликлар яратилмоқда. Ушбу дарсликлар мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида малакали кадрлар етиштириш учун самарали хизмат қилиши шубҳасиз.

Айнан мана шу вазифаларни ўз вақтида англаган бир қатор нашриётлар янги дарсликлар яратиш ва уларни ёш авлод ҳукмига ҳавола этиш билан машғул. Ана шундай нашриётлардан бири Абу Али ибн Сино номидаги нашриётдир. Яқинда Косонсой тиббиёт коллежи ўқитувчиси Қодирхон Иномов муаллифлигида ва Андижон давлат тиббиёт институти VMOF педиатерия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор М. Ғаниева таҳрири остида таёрланган «Hamshiralik ishi asoslari» ўқув адабиёти ҳамда Тошкент педагогика дорилфунуни профессори, биология фанлари доктори Очил Мавлонов муаллифлигида нашр этилган «Zoologiya» дарслиги Абу Али Ибн Сино номидаги нашриётда ўзбек, қирғиз ва туркман тилларида чоп этилди ва савдога чиқарилди.

Ушбу китоблар ҳақида гап кетганда ҳар иккала китоб Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан умумий ўрта таълим мактабларию, тиббиёт коллежлари учун дарслик сифатида тавсия этилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Китобларни варақлар экансиз, уларнинг янги дастур асосида тузилганлиги ва қайта тўлдирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу эса ушбу адабиётларнинг мактаб ўқувчилари, тиббиёт коллежларининг талаба ва ўқитувчиларига, шунингдек, мустақил амалий фаолият олиб бораётган умумамалиёт ҳамшираларига, бундан ташқари, уй шароитида беморларни парвариш қилишни ўрганишга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганидан далолат беради.



Сулаймон МАРДИЕВ

Garchi kuzgi ta'til allaqachon boshlangan bo'lsa-da, maktab bolalar bilan gavjum, hatto ob-havoning injiqliklari ham ularning kayfiyatiga ta'sir o'tkaza olmadi.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси ташкил этилганидан хабарингиз бор. Ҳозирги кунда барча ўқув муассасаларида спортнинг ўн икки туридан иборат ушбу мусобақаларнинг 1-босқичи қизғин ўтказилмоқда. 1—4-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат-шашка, енгил атлетика, мини-футбол ва «Тўп сардорга» ҳаракатли ўйин турлари бўйича мактаб биринчилиги ўйинлари ниҳоясига етди. Мактаб терма жамоалари якунловчи туман, шаҳар(ҳудуд) финал биринчиликларида иштирок этмоқдалар.

Самарқанд шаҳри Сиёб тумани умумий ўрта таълим мактабларида ҳам «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари қизғин давом этмоқда. 6-умумий ўрта таълим мактабида (раҳбари К.Нарзуллаева) мини-футбол бўйича 4-«Б», енгил атлетика бўйича 4-«А», «Тўп сардорга» мусобақасида 4-«Б» синф ўқувчилари ғолиб чиқишган.

3-ўрта таълим мактабида (раҳбари Г.Ҳасанова) юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган барча мусобақалар Низом асосида ташкил этилди.

Шахмат мусобақасида 8-«А», волейбол мусобақасида 9-«А», қизлар ўртасида 8-«А», баскетбол бўйича 9-«А», қизлар ўртасида 8-«А», футбол бўйича 9-«А», қўл тўпи мусобақасида 9-«Б» ва 8-«А» синфлари юқорига кўтарилдилар.

31-умумий ўрта таълим мактабида (раҳбари Г.Норқулова) 5—7-синф ўқувчилари ўртасидаги футбол мусобақаларида 7-«Д», 8—11-синфлар ўртасида 11-«А» синф ўқувчилари ғолиб чиқдилар.

Вилоятнинг бошқа умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синфларида биринчи босқич ўйинлари якунланиб, туман, шаҳар финал босқичи бўлиб ўтмоқда.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЗАФАР БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Вақт барчамизни йил поёни сари етаклаётган дамларда футбол ишқибозлари зерикиб қолишмаяпти. 1 ноябрь куни мамлакат миллий чемпионати якунига етган бўлса, айни ўша дамларда юртимиз футбол мухлисларини қувонтирувчи воқеалар юз берди. Дастлаб 27 ноябрь—19 декабрь кунлари БААда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган ёшлар терма жамоамиз Ҳиндистонда илк марта ташкиллаштирилган Афро—Осиё ўйинларида бош совринни қўлга киритишди. Улар финалда Ҳиндистон миллий терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Сўнгра мамлакатимиз ўсмирлар ва бошқа таркибдаги ёшлар терма жамоаларимиз келаси йили Япония ва Малайзия давлатлари яшил майдонларида тўп суриш ҳуқуқини берувчи Осиё чемпионати саралаш учрашувларида муваффақиятга эришишди. Улар тенгдошлари — Шри-Ланка ва Бутан давлатлари терма жамоаларидан устун келиб, бу ҳуқуқни қўлга киритишди.

Ва ниҳоят 6 ноябрь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам кейинги йил Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш учрашувларини бошлади. Шу куни пойтахтдаги «ЖАР» стадионида Тожикистон миллий терма жамоаси ва Таиланд миллий терма жамоаси футболчилари дастлабки беллашувни бошлаб беришди. Ёмғир остида ўтган беллашувда ён қўшниларимиз футболчилари 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Иккинчи учрашув эса марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон ва Гонгконг миллий терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, учрашувнинг биринчи таймида ҳамюртларимиз 3:1 ҳисобида олдинда борди ва иккинчи бўлимда рақиб дарвозасига фақат битта тўп киритишга эришишди.

Бугун иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтади: Гонгконг — Тожикистон, Ўзбекистон — Таиланд.

Шерали НИШОНОВ

Futbol

МУРОСАСИЗ КУРАШЛАР БОШЛАНДИ

Жиззах шаҳрида футбол мактаб-интернатлари ўртасида XII республика биринчилиги финал мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Бир ҳафта давом этадиган финал мусобақаларида икки хил ёш тоифасида (1987—88 ва 1989—90 йилларда туғилган) шу йилнинг баҳорги таътил кунларида ўтказилган минтақавий ҳудудий мусобақаларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган мактаб-интернат жамоалари иштирок этмоқда.

Катта ёшдаги ўсмирлар беллашувида Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Ғузор, Денов ҳамда кичик ёшдагилар баҳсида Фарғона, Тошкент, Ангрен, Жиззах, Қарши, Самарқанд, Шофиркон, Ромитан футбол мактаб-интернатлари спортчилари ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Республика биринчилиги финал мусобақалари бош ҳаками, Ўзбекистон «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи Бобур Ҳайдаров беллашувлар Жиззах шаҳрининг энг яхши стадионларида ўтказилаётганлигини, ўқувчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилганлигини таъкидлади.

Ғ.МАННОПОВ

САМАРҚАНДДАН СПОРТ ХАБАРИ

Самарқанд шаҳридаги бокс бўйича Олий маҳорат спорт мактабида байналминал жангчи, бокс бўйича мураббий, марҳум Эркин Одилов хотирасига бағишлаб, 1986—87 ҳамда 1988—89 йилларда туғилган ўсмир-ёшлар ўртасида бокс бўйича II анъанавий вилоят очиқ турнири ўтказилди.

Турнирда вилоятнинг Иштихон, Паст Дарғом, Нарпай, Жомбой туманлари ва Самарқанд, Каттақўрғон ҳамда Жиззах шаҳарларидан ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этдилар.

Қизиқарли ва шиддатли кечган жанглардан сўнг 1988—89 йилларда туғилганлар ўртасидаги мусобақада Д.Ҳамроев, Ш.Атоев, О.Шарипов, А.Акрамов, Ф.Исроилов, Ш.Назаров, А.Бобоев, Ж.Жумаев, Н.Нодиров, Ш.Ботиров, Ж.Одиловлар ғолиб бўлдилар.

Ғолиб боксчиларга ва энг яхши ҳакамларга мусобақа ташкилотчилари, Эркин Одиловнинг яқинлари, ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалар, мақтов ёрлиқлари топширилди.

Мухбиримиз

КИЧКИНТОЙЛАР БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Гарчи кузги таътил аллақачон бошланган бўлса-да, мактаб болалар билан гавжум, ҳатто об-ҳавонинг инжиқликлари ҳам уларнинг кайфиятига таъсир ўтказа олмади. Эрта тонгдан улар қадрдон мактаблари томон ошиқдилар. Бунга арзирли сабаб бор, албатта. Бугун мактабда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг туман бўйича финал босқичи бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманида 42 та умумтаълим мактаби мавжуд. Президентимиз томонидан ёшларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказиш ташаббуси ўртага ташлангач, ана шу мактабларнинг барчасида спорт мусобақалари янада эътибор билан ўтказила бошланди. Дастлаб ҳудудлараро бўлиб олинган мактаб жамоалари ўртасида ғолиблар аниқланди. Куни кеча 327-мактабда бўлиб ўтган беллашувга эса саралланган тўққизта мактаб жамоалари ташриф буюрдилар. Асосан бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ўтаётган мусобақалар болаларнинг спорт байрамига айланиб кетди. Кичкинтойлар спортнинг енгил атлетика (югуриб келиб узунликка сакраш, 60 метр масофага югуриш), футбол, шахмат, қизлар ўртасида копток улоқтириш турлари бўйича беллашдилар.



Мусобақаларга туман спорт мактабининг «Лочин» спорт клуби акробатлари ва гимнастикачилари ўз чиқишлари билан алоҳида файз киритдилар. 180 га яқин бола иштирок этган баҳсларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин 246-мактаб жамоасига, иккинчи ўрин 327-мактаб болаларига, учинчи ўрин эса 43 ҳамда 273-мактаб жамоаларига насиб этди. Ғолиб гуруҳлар туман халқ таълими бўлими ва «Гулистон» маҳалла фаоллари томонидан уюштирилган совғалар билан тақдирландилар. Ушбу беллашувга ташриф буюрган республика «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раис ўринбосари В.Андричюк болаларни эришган ютуқлари билан қутлар экан, шу ўринда ушбу мусобақаларни ташкил этиш ва қизиқарли ўтиши учун ташаббус кўрсатган 327-мактаб раҳбариятига ва спорт устозларига алоҳида миннатдорчилигини билдирди.

Муҳаббат ШАРИФОВА

Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактаблари диққатига!

«Маърифат» газетасининг шу йилги 85, 86-сонларида чоп этилган РЕАКS лойиҳасида иштирок этиш учун танлов эълонида телефон рақамлари хато берилган. Биз ушбу хато учун муҳтарам муштарийлардан узр сўраймиз. Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси билан қуйидаги телефонлар орқали боғланишингиз мумкин: 120—54—08, 120—54—10, 120—54—11, 120—54—12, 120—50—10, 120—50—11.

Шу билан биргаликда 120—54—09 рақамига қўнғироқ қилмаслигингизни илтимос қиламиз. Бу рақам бошқа ташкилотга тегишлидир.

Ҳурмат билан
таълим дастурлари ходимлари ОЖИКЖ—Ўзбекистон

ЭЪЛОН

Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қошидаги академик лицей ва коллежларининг истиқболли кадрлар заҳира мактабига танлов асосида тингловчилар қабул қилинди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Маълумоти тўғрисида ҳужжат.
2. Иш фаолияти тўғрисида маълумот.
3. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
4. Тавсиянома.

Ҳужжатлар 2003 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил:
Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 82-уй.

Телефонлар: 33-52-86, 33-62-23, 33-56-47.

Uni birinchi ko'rganda shaharning manaman degan oliftalari, basharasiga ming xil bo'yoqlar chaplagan, qoshu ko'zlari suzilgan, sochlari kamalak ranglarida tovlanuvchi va eng so'nggi modalarda kiyingan qizlar o'qiydigan nufuzli ilm dargohining mas'ullaridan demaysiz.

ЧИН ТАНИШУВ

Hikoya

Салом бериб, қабулхонага кирганимда тўрт-беш киши ректор ҳузурига навбат кутиб ўтирар эди. Башанг кийинган ёш йигит дарҳол ўрнидан туриб жой бўшатди. Қабул бошланишига ҳали чорак соатча бор. Ташаккур айтиб, жойлашар эканман, ректор хонасига энг яқин ўриндиқда ўтирган зиёлинамо кишини танигандек бўлиб, қўл бериб кўришдим. Аммо бу ишимдан ўзим хижолат чекдим, чунки, у ўзини бегона тутди. Кўришишга кўришдигу, ноилож узатган қўлини зудлик билан тортиб олди ҳамда ректор хонаси эшигига умидилтижо билан юзланиб, мендан у томон бурилди, ўриндиғини суриб ҳам олди. Унинг бу ҳаракатлари менга оғир ботди. Ҳа, хато қилганим аниқ. Хоҳламаган одамга қўл чўзиб, ҳам уни безовта қилдим, ҳам ўзимни беобрў.

Аммо биз чиндан ҳам таниш эдикда. Исми ҳам ёдимда — Туробжон. Бундан беш-олти йил бурун, номзодлик диссертациясини ёқлаш олдидан, ишхонамизга жуда кўп қатнаган. Бир неча бор менинг ҳам олдимга кирган, қадрдонлардек хушмуомала билан яхши таассурот қолдирган. У ўзини ҳаммага яқин тутар, бирор тадбир бўлса, ўз ходимларимиз қаторида, ҳатто ортиқроқ гирдикапалак бўларди.

Эсимда, ўша кезларда троллейбусда учрашиб қолган эдик. Ўрта эшикдан эндигина чиққан эдим, олд тарафдан товуш келди:

— Домла, мен сизга чипта олдим!

Ён-атрофимга синчиклаб қарадим — гап менга йўналтирилган эди. Лаҳза ўтмай йўловчиларни туртиб-суртиб овоз соҳибининг ўзи менга яқинлашди:

— Салом, Собир Турғунович! Мен Сизга ҳам чипта олдим, — деди у яна.

— Бекор қилибсиз. Мен ойлик йўл ҳақини олдиндан тўлаб қўйганман, — дедим ва кўкрак чўнтагимдан ярми чиқиб турган ойлик чиптага ишора қилдим.

— Ҳечқиси йўқ, домлажон! Арзимаган нарса. Давлат фойдасига бўла қолсин, — шундай дея туриб, барибир чиптани қўлимга зўрлагандек тутқазди. — Мақола билан табриклайман, — деди у бироз ўтгач, бир неча ой бурун, ҳатто чоп этилгани унутилаёзган, кичик бир тақризни тилга олди.

Ўшанда у менга яна бир "меҳрибончилик" кўрсатган эди. Чап ён ўриндиқда ўзича хаёл суриб кетаётган ўрта ёш жувоннинг елкасидан туртиб:

— Ахир, ўзингиздан катта ёшдаги йўловчига жой бўшатмайсизми? — дея дашном билан турғизиб, қўярда-қўймай мени ўтирғизган эди. Менга жуда ноқулай бўлганди ўшанда. Хижолат чеккан жувон троллейбус тўхтаган биринчи бекатдаёқ зудлик билан тушиб кетган эди.

— Катталарга иззат-икромни батамом унутиб қўйишган, — деди у жувоннинг ортидан бошини сарак-сарак қилиб. Сўнг катта портфелини бетакаллуф менинг тиззамга қўйди. Шу қадар оғир, зил-замбил эдики, худди ичига тўрт дона хом ғиштни жойлаб қўйгандек. "Диссертация нусхалари бўлса керак", хаёлимдан ўтказган эдим.

Манзилимга етиб, троллейбусдан тушгунимгача, оёқларим эзилиб, увишиб қолди. Йўл-йўлакай ёшларда одобҳаё қолмаганлигини, ўзаро меҳр-шафқат тобора йўқолиб бораётганини куйиниб гапираётган Туробжоннинг ён-атрофдаги йўловчиларни ҳам суҳбатга тортишга уринаётгани унинг жовдираши ва овози оҳангидан билиниб турарди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам қизиқиш кўрсатмади. Йўловчилардан кўнгли қолган Туробжон бутун эътиборини менга қаратди.

— Бу кетишда, Собир Турғунович, беш-олти йилдан кейин ёшлар ахлоқининг, умуман, одамгарчиликнинг қай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин.

Бу сўзларни у энг яқин кишиси билан сиёсий мавзуда суҳбатлашаётгандек жуда сирли оҳангда айтган эди. Ўша учрашувлар ва шундай суҳбатлар таассуроти билан унга қўл узатган эдим-да. Афсус...

Қилган ишимдан ўзим орланиб, қабулхона бурчагига қўйилган телевизорга тикила бошладим. Янги чиққан хонандалардан бири қандайдир яллага тўрт раққосани ўйнатаётган эди. Телевизорнинг овози пастлигидан қўшиқ сўзларини уқиб олиш қийин. Ҳар ҳолда раққосаларнинг сирли муқомларидан ялланинг шўх ва қочиримли эканлигини тасаввур этиш мумкин. Атрофимга разм солсам, ўша танишимдан бошқа ҳамма ўтирганларнинг кўзи телевизорда.

Котиба эса қандайдир ёзув-чизув билан банд. У китобларда тасвирланган ёки ойнаи жаҳонда кўрсатиладиган анъанавий сатанг қотибаларга мутлақо ўхшамас эди. Ўттиз-ўттиз беш ёшларда бўлса керак. Кийимлари сипо, аммо ўзига жуда ярашган. Юз-кўзларида упа-эликдан асар ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам жуда ёқимтой, ораста кўринади. Бунақа жувонларни халқимиз истараси иссиқ, дейди, кўнглига яқин тутади. Уни биринчи кўрганда шаҳарнинг манаман деган олифталари, башарасига минг хил бўёқлар чаплаган, қошу кўзлари сузилган, сочлари камалак ранглари товланувчи ва энг сўнгги моталарда кийинган қизлар ўқийдиган нуфузли илм даргоҳининг масъулларидан демайсиз. У одми кийиниши ва ўзини тутишига кўра кўпроқ боғча тарбиячиси ёки бошланғич синфлар муаллимасини эслатади. Афтидан, анчадан буён шу лавозимда ишлайди ва жамоада катта ҳурмат-обрў орттирган. Бу унинг олдига келиб-кетиб турганларнинг хушмуомалаларидан шундоққина билиниб турибди. Мен келгандан кейинги дақиқаларда бир неча киши у билан сўзлашиб, қониқарли жавоб олди чамаси, миннатдорчилик билдириб, очиқ чеҳра билан мамнун чиқиб кетди.

— Йўқ, ҳали келганлари йўқ. Ҳа, соат ўндан. Келиб қоладилар, — котиба телефонда шу гапларни айтар экан, рўпарасида осилган соатга қараб қўйди. Бехос мен ҳам қарадим — ўн бўлишига озгина қолибди. Кўзим телевизор саҳнида-ку, ўзим ўйга толдим. "Бу ерда қанча бўлар эканман. Хўп, танишим биринчи бўлиб киради. Гапи зарур ва муҳимга ўхшайди. Безовтароқ. Иши битишидан хавотирда кўринади. Ҳойнаҳой, ўн дақиқадан олдин чиқмас. Кейин мана бу аёл кирса керак. У вилоятдан келган талабанинг онасими, билмадим. Нима иш билан келган экан? Хотиржам ўтиришидан бўлажак суҳбатдан кўнгли тўқ. Мунозарали эмас шекилли. Бу ҳам узоғи билан ўн дақиқа. Кейин менга жой берган йигитнинг навбати. Қўлида бир варақкина қоғоз — ариза бўлса керак. Унга жавоб кўп вақтни олмайди, "ҳа" ёки "йўқ" — икки-уч дақиқа. Демак, ҳаммаси бўлиб ярим соат атрофида, ундан кўп эмас. Яхши. Аслида мен шошаётганим йўқ. Бизнинг суҳбат ҳам енгил кўчади — мураккаб масала эмас. Бир илмий анжуман ва уни ўтказиш муддатини келишиб олсак бас".

Шу хаёллар билан беш-олти дақиқа ҳам ўтибди. Эшикни очиб ректор кирди. Қабулхона жонланиб кетди. Котиба ўрнидан турди. Саломлашди. Стол устидан бир даста қоғоз олиб, ректорнинг қўлига тутқазишга шайланди. Қоғозларни ола туриб, ректор биз томон бурилди:

— Эй, Собир Турғунович! Келинг-келинг! Салом! Тинчликми, домла?

Мен ҳам саломлашдим, қўл олишиб самимий кўришдик.

— Қани, домла, кираверинг! Анча бўлдими келганингизга?

— Йўқ, эндигина келган эдим. Бир маслаҳат юзасидан.

— Яхши! Ҳозир, — ректор хонасига кириб, эшикни очиқ қолдирди.

— Ҳозир.

Орадан икки-уч дақиқа ўтмасдан устки кийимини ечган ректор эшик олдига келиб менга мурожаат қилди:

— Қани, домла, ичкарига марҳамат қилинг! Хўш, тинчликми?

— Олдин булар киришсин, мен улардан кейин. Менинг шошаётган жойим ҳам йўқ.

— Йўқ, йўқ, Собир Турғунович, нималар деяпсиз? Булар сизнинг шогирдларингиз қатори. Ўзимизнинг ходимлар. Кундалик ишлар. Туробжон биланку яхши танишсизлар. Номзодликни сизларда ёқлаган, чамаси. Сиз меҳмонсиз, қани юраверинг, — ректор котибага юзланди: — Бир чойнак яхши чой қилинг. Кўк чой-а, домла?

Мен фарқи йўқ ишорасини қилдим, кўп ўтирмаслигимни айтдим. Хонага киришга ҳамон иккиланиб турганимни кўрган ректор яна бир бор таклиф этди:

— Иккиланишга ҳожат йўқ, — деди. Ректорнинг бундай муомаласи эски танишимнинг кўзини очди, хотирасини тиклади, чамамда. У аллақачон ўриндиқдан туриб олган, бизга яқинлашиб, ўрни келди дегунча суҳбатимизга аралашишга шай эди.

— Ҳа, ҳа, кираверинг, Собир Турғунович! — у ректорнинг таклифини қизғин қувватлаб кетди. — Мен кейинроқ.

У исми-шарифимни шундай ёқимли талаффуз қилдики, худди бир неча йил олдин диссертация ёқлаш арафасидаги ширинсўз, мулойим, ўта маданиятли ва сиз учун қурбон бўлишга ҳозиру нозир одам кўз олдимда қайта намоён бўлди. Ҳа, қаршимда ярим соатгина бурунги батамом бегона ва терс кимса эмас, балки неча йиллардан буён яхши таниш бўлган, кўп учрашиб, суҳбатлар қурган улфат ва қадрдон дўст турарди. Унинг меҳр билан балқиб, садоқат ва фидойиликка тайёрлик аломатлари ёғилиб турган юз-кўзлари ҳар қандай бағритош одамни эритиб юборгудек.

— Узр, домла, ҳали танимабман, — деди у бироз ийманиб ниҳоятда паст товушда ва самимий оҳангда.

— Эй, хижолат чекманг, Туробжон! Мен ҳам эндигина чинакамига таниб олдим.

— Мана, баҳонада яхшироқ танишиб ҳам олдинглар, — деди ректор мени қўлтиқлаб хонасига бошлар экан.

***

Тунов куни Туробжон билан яна дуч келдик. Шаҳарнинг серқатнов хиёбонларининг бирида кетаётган эдим, кимнингдир менга тикилиб келаётганини ҳис қилдим. Ҳушёр тортиб чор-атрофга назар солдим. Ўн-беш қадам нарида менга тик боқиб Туробжон келаётган эди. Ҳар эҳтимолга қарши ўнг қўлимни бўшатдим — кўришишга тўғри келар. Аммо бундай бўлмади. Орада учтўрт одим қолганда у юзини бошқа томонга буриб олди, кўрмаган бўлди ва ёнгинамдан силлиққина ўтиб кетди.

АБДУЛ РАШИД



"С" ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Олий табақа футбол жамоаси. 2. Йилнинг энг иссиқ даври, шамсий ой. 3. Японияда қишки олимпиада ўйинлари ўтказилган шаҳар. 4. Темирчилик ва заргарликда фойдаланиладиган анжом. 5. Экваторнинг ҳар икки тарафидаги чўл-биёбон ҳудуд. 6. Ўзбек физик олими. 7. Овоз бериш йўли билан давлат органига аъзо тайинланадиган маросим. 8. Асад ва Мезон оралиғида жойлашган бурж. 9. Воқеа-ҳодисалар даврларига кўра қайд этилган манба. 10. Баҳайбат гавда. 11. Чегара, ҳудуд. 12. Механизм қисмини мойлаш учун ишлатиладиган ашё. 13. Ҳиндистонда қимматбаҳо ва хушбўйлиги учун ўстириладиган боши яшил дарахт. 14. Ҳарбий унвон. 15. Италияда қулларнинг йирик қўзғолони раҳбари. 16. Бир авлоддан тарқалган ҳукмдорлар сираси.

"А" ҳарфли чайнворд

1. Расмий ҳужжат, илтимоснома. 2. Цирк томошаси майдони. 3. Европадаги қадимий пойтахт шаҳар. 4. Мусиқа санъати жанри. 5. Фарзанд дунёга келганда ўтказиладиган маросим. 6. Энг катта қон томири. 7. Автомобилсозлар шаҳри. 8. Игна баргли дарахт. 9. Лев Толстой романи қаҳрамони. 10. Абу Али ибн Сино таваллуд топган маскан. 11. Ҳудуди жиҳатидан Ер шарида иккинчи ўринда турувчи материк. 12. Юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, фазилат. 13. Ер шарининг шимолий қутб ҳудуди. 14. Шимолий Америкадаги ярим орол.

Ф.ОРИПОВ тузди.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Садыкова Васила Солибековна номига берилган № 157579 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети жамоаси «Геометрия ва математика тарихи» кафедраси доценти, механика-математика факультети декан ўринбосари Анвар Шариповга отаси

СОЛИ ОТАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ маъмурияти ва жамоат ташкилотлари университетнинг Табииёт фанлари факультети профессори Баҳодир Содиқовга онаси

Санобар ая ЮСУПОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0025.
Тиражи 19156. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтаридмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.